БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 130 (17.114). ● 8 июнь 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.



ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Лектор Қипчоқ Исмоилов Жиззах областининг шаҳар ва қишлоқларида кўпчиликкга яхши таниш. У ўқиган лекциялар тингловчиларда ҳамиша катта қизиқиш уйғотади, кишиларнинг дунёқарашини бойитишга, билимини чуқурлаштиришга, ғоявий эътиқодини янада чиниқтиришга хизмат қилади. Область партия ташкилотлари моҳир лекторнинг тажрибасини оммалаштиришга, унинг маҳорати барча лекторларнинг мулки бўлиб қолишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Областда унинг тажриба мактаби иш олиб бормоқда. Педагогика институтида ташкил этилган лекторлар мактаби тингловчилари оташин сўз устаси Қипчоқ Исмоиловнинг тажрибасини чуқур ўрганмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси областда лекция пропагандаси самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Марксча-ленинча назарияни, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, партия ва ҳукуматимизнинг муҳим ҳужжатларини, СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларини пропаганда қилиш лекция ишида асосий ўринни эгалламоқда.

Республикамиз областларида илмий ва сиёсий билимларни пропаганда қилишнинг муайян тажрибаси тўпланди. Партия комитетлари меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилишда лекциялардан, доимий лекторийлардан, ижтимоий-сиёсий суҳбатлар, «Ленин жумаликлари», «Лектор кунлари», «Фан кунлари»дан ва бошқа формалардан муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Қашқадарёда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Тошкентда фан-техника ютуқларини кенг пропаганда қилиш, Андижон ва Наманганда янги анъаналарни турмушда қарор топтириш проблемалари лекция пропагандасининг ўзига хос йўналишларидир.

Халқ университетлари совет турмуш тарзи ва фан ютуқларини тарғиб қилишнинг оммавий формаси бўлиб қолди. Ҳозир республикамизда илм-фаннинг 40 га яқин соҳаси бўйича 2025 та халқ университети иш олиб бормоқда. Уларда 247,5 минг ишчи, деҳқон ва меҳнаткашларнинг бошқа барча қатламларига мансуб бўлган кишилар таълим олмоқдалар. Халқ университетлари машғулотларини самарали, юксак ғоявий савияда, уюшқоқлик билан ташкил этишда Тошкент ва Андижон область партия ташкилотлари, «Билим» жамиятининг ана шу область ташкилотлари бой тажриба тўпладилар. Халқ университетларининг машғулотлари тингловчиларнинг ғоявий билимини чуқурлаштиришга, ижтимоий ва меҳнат активлигини кучайтиришга ёрдам бераётир.

Сўнгги вақтларда республикамизда илмий ва сиёсий билимларни пропаганда қилишнинг ўзига хос базаси яратилдики, бу ривожланган социализм шароитининг ажойиб самарасидир. Ҳозир республика Билимлар уйи, республика Илмий-атеизм уйи ва унинг Қорақалпоғистон АССР ҳамда барча область марказларидаги филиаллари лекция пропагандасининг мундаринасини кенгайтиришга, мазмунини бойитишга, таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Кейинги вақтларда лекторларнинг малакасини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш иши мукаммаллашди. Уларга методик ёрдам кўрсатиш яхшиланди. Коммунистик қурилишнинг зардоб участкаларида эришилаётган ютуқлар, фан ва техника янгиликлари, омманинг ватанпарварлик ҳаракатига оид маълумотларни умумлаштириб, лекторларга тегишли амалий ёрдам кўрсатаётган партия ташкилотлари, «Билим» жамиятининг маҳаллий ташкилотлари фаолияти диққатга сазовордир.

КПСС Марказий Комитетининг «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ривожланган социализм шароитида, фан-техника революцияси чуқурлашиб бораётган, жаҳон миқёсида идеологик кураш муракаблашган бир пайтда лекция пропагандасини муттасил равишда такомиллаштириб бориш, коммунистик қурилишнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларини ҳал этишда унинг ролини кучайтириш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди. «Кўпгина партия комитетлари, — деб таъкидланади қарорда, — лекция пропагандасининг йўналишларини унинг ғоявий-сиёсий савиясини, ҳужумкорлик ва таъсирчанлигини муттасил ошириш билан бирга қўшиб олиб бориш соҳасида ҳали лозим даражада сабот-матонат билан иш олиб бормаётирлар». Дарҳақиқат, ривожланган социализм шароитида замондошларимизнинг умумий билими, жаҳонда, мамлакатимизда ва республикамизда рўй бераётган воқеалардан хабардорлиги ва маданий савияси юксак даражага кўтарилганлиги мамлакатимиз ва халқаро ҳаётнинг, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг актуал проблемаларини малакали пропаганда қилиш зарурияти ва тақозо этмоқда. Кишиларда ўз билимини муттасил равишда тўлдириб боришга эҳтиёж кучаймоқда.

Лекин республикамиздаги бир қатор областларда ва районларда лекция пропагандасининг қўйилиши ҳозирги талабларга мукаммал жавоб беради, деб бўлмайди. Айрим жойларда фан ва техника тараққиётининг актуал проблемаларини, халқаро ҳаётнинг меҳнаткашларда катта қизиқиш туғдираётган масалаларини пропаганда қилишга бағишланган лекциялар жуда кам ўқилмоқда. Уларнинг савияси ҳамиша ҳам тингловчилар талабига жавоб беравермайди. Бир қатор партия комитетлари лекторларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга зарур илмий-методик ёрдам кўрсатиш, энг яхши тажрибаларни ёйиш соҳасидаги ишлар янада такомиллаштиришлари керак. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик раҳбарлари ички ва халқаро ҳаёт масалалари, шаҳарлар, районлар, меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларга доир лекциялар билан мунтазам равишда чиқиб туришлари зарур.

Лекция пропагандаси коммунизм қурувчиларини юксак ғоявийлик, совет ватанпарварлиги, гражданлик масъулиятини сезиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, аҳлоқий поклик, маънавий софлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омилидир. Лекциялар мазмун жиҳатидан ғоят илмий, форма жиҳатидан ёқимли бўлиши, буржуа идеологияси, ревизионистлар идеологиясига қарши муросасиз ва ҳужумкор кураш олиб бориши, муҳим ва кескин масалаларга батафсил жавоб бериши, жамоатчилик фикрини шакллантириб, меҳнаткашларни КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленумида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда социалистик мусобақани қизғин авж олдириш учун курашга сафарбар этиши лозим.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

АНДИЖОН, 7 июнь. (ЎзТАГ). Андижонда суғориладиган зона сув хўжалиги ташкилотларида бригада пудратини жорий этишга бағишланган Бутуниттифоқ семинари иш бошлади. Семинар ишида СССР ҳамда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Узглавводстрой» илғор бригадалари, участкалари, ташкилотлари ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, етакчи мутахассислари иштирок этмоқдалар.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари В. Ф. Маховиков қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг энг муҳим шарти бўлмиш бригада пудратини ялпи жорий этиш тўғрисида доклад қилди. Семинар қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашадилар, Андижон сув омбори қурилишида бўладилар. Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштираётган хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг иши билан танишадилар.

12 ИШ КУНИДА

Бўка районининг деҳқонлари ғалла ўримини қизғин бошлаб юбордилар. Улар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1978 йилда ҳосил ўрим-йиғими, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1978-1979 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Қашқадарё области ғаллакорларининг даъватига амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Ҳозир барча хўжаликлар далаларида ўрим-йиғим қизғин. Ғаллакорлар ишни ипатоволиклар методи асосида ташкил этишган. Ўрим йиғим транспорт отрядлари бетўхтов ишлаб турибди.

«Кўкорол» совхозидаги М. Ғалин, «Гулистон» совхозидаги Ғ. Даврошев ўртоқлар ўримда пешқадамлик қилишмоқда. Улар ҳар сменада 20-25 гектардан зиёд майдондан ғалла ўриб олишмоқда. 300 гектар ердан донли экинларни ўриб олиб, 1000 тоннадан дон яғчишга ахд қилишган. Бу рақам пландагидан икки баравар кўпдир.

«Бўка» совхози далаларида ҳам меҳнат авжида. Совхоз деҳқонлари бу йил 10 центнер ўрнига 13 центнердан ғалла ўриб-йиғиб олишга ахд қилишган. Давлат хирмонига 860 тонна дон етказиб берилади.

— Ҳосил ўрим-йиғими — ниҳоятда масъулиятли палла, — дейди илғор бригадир У. Сулаймонов. — Шу боисдан ҳам ўрим суръатини кун сайин оширмоқдамиз. Ҳар бир комбайнчи ўз мажбуриятини ошириб бажаришга эришмоқда.

Бўка районй механизаторлари ғалланинг ҳаммасини ўн икки кунда ўриб олишни мўлжалламоқдалар.

Суратларда: «Бўка» совхози ишчилар комитетининг раиси Р. Тўрабеков комбайнчи Б. Посфалит, бригадир У. Сулаймонов, шофер Л. Худойбердиев ўртоқларга ғолиблик вимпелини топширмоқда; пастда эса, ўрим пайти тасвирланган.

И. ТЎЛИСБОЕВ фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАРОРИ — АМАЛДА

ҒАЛЛАКОРЛАР ШИЖОАТИ

— Лалми ерларда бугдой етилиб қолди.

Бу гапни Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Қамашида кўп одамлардан эшитиш мумкин. Чексиз-чегарасиз бўлиқ бўғдойзорларни кўриб катта-ю кичикнинг қувончи чексиз. Жумладан, бизнинг совхозда ҳам ҳар қадамда ана шундай ҳолатни кўрасиз. Ҳамма ҳурсанд!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу йил бугдой яхши бўлди. Уруғлик ерга тушгандан мана бугун бугдой дони пишиб тўлишгунча қиш қаҳрига, баҳор қийинчиликларига дош бериб, чўлларнинг шамолбўронларини енгган ғаллакорларнинг қувончи, айниқса, ўзгача. Чунки улар дон ризқи-рўзимиз, донимиз-нонимиз. фаровон ҳаётимизнинг рамзи эканини бошкалардан кўра чуқуррок ҳис этишади. Шунинг учун ҳам уларнинг ана шу чексиз қувончларида қандайдир ўйчанлик, ғайрат-шижоат ифодаси сезилиб турибди. Шу кунларда ғаллакорлар ҳаётида жуда катта тўлқин олдидан денгизларда бўладиган осойишталикка ўхшаш ҳолат кечмоқда. Бу эрта-индин бошланадиган катта ҳужум — ўрим-йиғим олдидан иш режаларини белгилаш, ташкилий ишларни пухта уюштириш арафасидир.

Ана шундай палада КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1978 йилда ҳосил ўрим-йиғими, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлашни таъминлаш ҳамда 1978-1979 йил даврида чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу муҳим ҳужжат бундан буён амалга оширладиган ишларимизда асосий қўлланма бўлиб қолади.

Маълумки, бу йил районимиз бўйича 38 минг тонна дон етиштирилиши керак. Шундан 25 минг тонна бугдой-арпа топшириш хўжалигимиз зиммасига тушган. Икки минг тонна суперэлита, элита уруғлиги етиштирамиз. Совхозимиздаги 17 минг гектар ғаллазорларнинг 16600 гектари лалми ерлар. Рақамлар салмоғидан ҳам ишимиз нақадар кўп ва масъулиятли эканини кўриб турибсиз. Ҳозир 152 нафар комбайнчи, 76 та комбайн ўримга тахт-тайёр. Ўрим-йиғимда беш группанинг икки сменада ўзлуксиз ишлашини таъминлаймиз. Етиштирилган мўлкўл ҳосилни 20 иш кунида нобудгарчиликка сира йўл қўймай йиғиштириб оламиз. Социалистик мусобака ва унинг шартлари барча комбайнчи ва бригадаларга маълум қилинди: бир беш кунликда биринчи ўринни олган комбайнчига 150 сўм, ўрим-йиғимни биринчи бўлиб сифатли якунлаган бўлимга 500 сўм пул ва энг кўп дон яғчиган комбайнчиларга телевизор, радио, соат каби қимматбаҳо буюм мукофотлари белгиланди.

Биз бу йил давлатга дон топшириш бўйича беш йиллик планни бажариб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йилч планини ҳам адо этамиз. Ҳаммадан ҳам бу йил ғаллакорлар учун табиат ўз тантилигини кўрсатди, ҳосил жуда мўл бўлди. Энди иш ўрим-йиғимда совхозимиз аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб катта ғайрат кўрсатишларида қолди. Бизда Бобоқул Ашуров, Жумақул Қаюмов, Жума Шердонов, Тўйчи Раҳмонов каби бир ярим, икки минг гектар лалми ерларда мўл-кўл ҳосил етиштириб келаётган тажрибакор бригада бошлиқлари бор. Катта хирмонга 450-500 тоннадан дон тўкамиз деб Олло Ашуров, Нурмат Ашуров, Мойли Нуралиев, Меҳли Қиёев, Эшмурот Суюнов, Тўйчи Йўлдошев каби азамат комбайнчиларимиз енг шимариб туришибди. Бундай шоввозлар байрақдорлигидан ҳеч қачон юкимиз ерда, донимиз далада қолмайди. Ваъдамизнинг устидан албатта чиқамиз бир йилда уч йиллик план миқдорида сара уруғлик бугдой топширамиз.

Ҳа, албатта, шундай бўлади. Олтиндек товланган чексиз-чегарасиз бугдойзорлар, қувонч билан жўшган ғаллакорлар шижоати бундан далолат.

Р. НОРБУТАЕВ,
Қашқадарё область Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз директори.

ИККИ ПЛАН МИҚДОРИДА ДОН

ҚЎШРАБОТ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қашқадарё области ғаллакорларининг 1978 йилда бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тезрок тугаллаш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллаб қарор қабул қилди. Бу қарор барча ғаллакорларимиз учун жанговар программадир.

Шу муносабат билан Қўшработ районида ғаллакорларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ғаллакорлар бу йил давлатга икки йиллик план миқдорида дон сотиш, бир ярим — икки йиллик планга тенг уруғлик дон ғамлаб олиш, сомонни чорва моллари кишлов жойига келтириш, имконияти бўлган суғориладиган ерларга маккажўхори экиб, юқори ҳосил олиш режаларини белгилаб олдилар. Халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов ғаллакорлар олдида турган улкан вазифалар ҳақида доклад қилди.

Райондаги «Мойбулоқ», «КПСС XXV съезди», «Қўшработ», Киров номли совхозлар ламмикор ғаллазорларнинг ҳар гектаридан камида 15 центнердан хирмон кўтаришга ахд қилдилар. Ўрим-йиғим қиска фурсатларда ташкилий жиҳатдан уюшқоклик билан ўтказилади. дон ва сомоннинг исроф бўлишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Район хўжаликларида ипатоволиклар методи асосида 17 та комплекс отряд тузилди, уларга 240 та комбайн биркитилди. Отрядлар аъзолари орасида ташкилий-тарбиявий ишлар олиб бориш учун коммунистлар ва комсомоллардан иборат сиёсий ташкилотчилар тайинланди. Кўчма устахоналарнинг иши икки сменага кўчирилди. Комбайнларни тўлиқ икки сменада ишлатиш кўзда тутилмоқда, шу мақсадда комбайнчилар сафи кенгайтирилди. Социалистик мусобака шартлари ишлаб чиқилиб тасдиқланди, ғолибларни рағбатлантириш учун мукофотлар ажратилди. Комбайнчиларнинг ҳаммаси ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар олди.

Ҳар бир комбайн билан кунига ўртача 15 гектар ернинг ғалласи, ўрилиб, дони донга, сомони сомонга ажратилади. Илгор комбайнчилар 500 гектаргача ернинг ғалласини ўриб беради, 350 гектардан кам ғалла ўрадиган бирорта комбайнчи бўлмайди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

Л. ЭРГАШЕВ.

САНОАТИМИЗНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИ 1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ — МАЙ ОЙЛАРИ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1978 йил январь—май ойлари планини 3,1 процент ошириб бажарган.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1977 йилнинг январь — майига нисбатан 5,5 процент кўпайган, меҳнат унумдорлиги 3,1 процент ошган.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари ва Тошкент шаҳри маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь—май планини бажарди:

Қуйидаги маълумотлар планнинг бажарилишини кўрсатади:

	Планнинг бажарилиш процентда			
	Маҳсулот реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	1977 йилнинг январь-майга нисбатан меҳнат унумдорлигини ошириш суръати процентда
Узбекистон ССР	103,1	103,2	102,7	103,1
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	102,5	103,8	102,7	104,9
Андижон области	102,8	102,7	101,9	92,1
Бухоро области	102,3	103,3	101,8	99,5
Жиззах области	103,6	100,2	99,4	103,0
Қашқадарё области	104,5	103,9	100,6	96,9
Наманган области	103,7	103,8	103,2	104,9
Самарқанд области	103,7	104,0	103,5	106,7
Сурхондарё области	104,6	102,4	102,8	98,7
Сирдарё области	103,1	101,7	101,5	103,9
Тошкент области	103,4	103,2	103,2	103,9
Фарғона области	102,9	103,1	102,2	103,5
Хоразм области	102,5	103,1	103,6	103,7
Тошкент шаҳри	103,0	103,1	103,0	104,8

Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳрининг корхоналари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1978 йил январь—майнинг социалистик мажбуриятларини бажарди.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекхиммаш» заводи, «Узбекмрамор» бирлашмаси, Наманган аврли газламелар, Қўқон пайпоқ-йиғириш комбинатлари, Тошкент чинни ва зарғарлик заводи, Бухоро пахта заводи, Хўжайли сут заводи ва бошқа заводлар 1978 йил январь—майининг ишлаб чиқариш планини муваффақиятли бажардилар.

Нефть, кўмир қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, прокат, трактор, трактор сеялкалари, трактор культиваторлари, пахта подборщиклари, экскаваторлар, цемент, шифер, пахта толаси, пайпоқ, ички ва устки трикотаж, чарм пойафзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилди.

Хоразм области, СССР Газ саноати министрлигининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш юзасидан май ойи планини бажармади. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм областлари, СССР Газ саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Йўл қуриш машинасозлиги министрлиги, СССР Нефть химия саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлигининг, Узбекистон ССР Давлат балиқчилик хўжалигининг корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан май ойи планини бажармади.

СССР Газ саноати министрлигининг корхоналари маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь — май планини бажармади.

СССР Газ саноати министрлиги, СССР Йўл қуриш машинасозлиги министрлигининг корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан беш ойлик планни бажармади.

38 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь — май плани бажарилишини таъминламади. Улар пландан 11,1 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилди. Денов ёғ-экстракция заводи, Тахиатош нон маҳсулотлари комбинати, Олмалиқ норуда материаллар карьери, Навоий шаҳар сут заводи шулар жумласидандир.

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари айрим корхоналарда план бажарилмаслик, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларининг пасайиш сабабларини аниқлашлари зарур. Камчиликларни йўқотиш, қолоқликка барҳам бериш, ҳамма корхоналар планни бажариши чораларини кўриш, йилнинг қолган даври ичида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишнинг аниқ программасини ишлаб чиқиш, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш чораларини кўриш лозим.

ШВЕЦИЯ КОРОЛИ МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан Швеция короли Карл XVI Густав ҳазрат олийлари ва қиролича Сильвия ҳазрат олиялари 7 июнь куни расмий визит билан Москвага келдилар.

Швеция ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида олий мартабали меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди. Иккала мамлакатнинг давлат Гимнлари янгради.

Швеция короли Карл XVI Густав ва Л. И. Брежнев совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

(ТАСС).

А. Н. Косигиннинг Костромада бўлиши

КОСТРОМА. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 6 июнь куни область партия комитети бюросининг аъзолари, КПСС шаҳар, район комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбатлашди. Суҳбат чоғида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишни таъминлаш, чорвачилик учун емхашак тайёрлаш соҳасида область меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга асосий эътибор берилди. Областнинг саноат корхоналари 1978 йил планларни ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг ҳамма резервларини сафарбар этишлари кераклиги ҳам таъкидланди.

А. Н. Косигин «Караваево» наслчилик заводига бориб, мутахассислар билан қилган суҳбатида чорвачиликда юксак маҳсулдорликка эришган караваевчилар илғор тажрибасини область хўжаликларига ёйиш зарурлигига эътиборни жалб қилди.

А. Н. Косигин В. И. Ленин номли зигир тола комбинатида комбинатни реконструкция қилиш, аҳолига юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни ошириш, зигир тола маҳсулотлар хилини кўпайтириш масалалари хусусида раҳбарлар, мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди. ишчилар меҳнатининг ташкил этилиши, уларнинг меҳнат шароитлари ва маиший турмушлари билан қизиқди.

А. Н. Косигин Кострома ГРЭСида ҳам бўлиб, 1 миллион 200 минг киловатт қувватли ягона энергоблок монтажи билан танишди. А. Н. Косигин мамлакатнинг энергетика хўжалигида янги қувватларни ишга тушириш муддатларини кискартириш муҳимлигини таъкидлади.

* * *

А. Н. Косигин 6 июнда Иваново областига келди. У Приволжск шаҳридаги Яковлев зигир тола комбинатини бориб кўрди.

А. Н. Косигиннинг Ивановода бўлиши

ИВАНОВО, 7 июнь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Иваново шаҳри ва области меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишишни давом эттирди.

СССР 50 йиллиги номидаги Фурманов йигирув-тўқув фабрикасида А. Н. Косигинни тўқувчи Л. А. Куликова самимий табриклаб кутиб олди. У ўз ўртоқларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун муваффақиятли мусобақалашаётганликларини айтиб берди. Л. А. Куликованинг ўзи шахсий беш йиллик планини шу йил 13 май куни бажариб бўлган эди. Тўқувчи КПСС Марказий Комитетига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга тўқимачилар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақидаги доимий ғамхўрлик учун ишчилар номидан раҳмат айтиб қўйишни илтимос қилди.

Шуя районидаги Арсений номли колхозда А. Н. Косигин ерларни маданийлаштиришга доир комплекс тадбирлар билан танишди.

Ивановода у В. И. Ленин ҳайкалига, революция курашчилари ҳайкалига ва Талка дарёси бўйидаги ёдгорлик комплексига гуллар қўйди. Шу дарё сохилида 1905 йилда Россияда биринчи ишчи депутатлари Иваново-Вознесенск умумшаҳар Советининг мажлиси бўлиб ўтган эди.

А. Н. Косигин Палех қишлоғидаги лок рассомчилиги усталари ҳузурида меҳмон бўлди.

ҚУРУВЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

7 июнь куни биноқорларнинг катта бир группаси Узбекистон ССР Олий Совети Президиумига келди. Бу ерда уларга тантанали вазиятда СССРнинг орден ва медаллари топширилди. Улар Чорвоқ гидроузелини қуриш ва аъло баҳода барвақт фойдаланишга топширилишини таъминлашга қўшган катта ҳиссалари, ишлаб чиқаришда, социалистик мусобақада эришган юксак кўрсаткичлари учун шу мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

Ўрнак кўрсатган бир группа ўртоқларга Узбекистон ССРнинг фахрий унвонлари беолинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин топширди. (ЎзТАГ).

ҒОЯДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

БИР КАШФИЁТ ТАҚДИРИ

МУРАККАБ МЕХАНИЗМ

Энг илғор, энг янги ғояларни тез жорий этиш техника сиёсатимизнинг асосий йўналишидир. Демак, янги техникани ишлаб чиқаришга қўллашнинг объектив сабаблар йўқ. Бироқ, баъзи янги техника ечимлари узоқ вақтгача қўлланилмай қолиб кетмоқда, маънавий эскириб, ўз аҳамиятини йўқотяпти.

Хўш, нега шундай?

Янги техникани жорий этишнинг ҳозирги механизми жуда мураккаб. У ёки бу кашфиётни қўлланиш учун турли йўналишдаги ва турли профилдаги бир қанча министрлик, идора ва ташкилотларни битта занжирга улаш зарур. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев ва бошқа олимлар яратган пахта териш машинаси учун таркибли шпиндель воқеасини олайлик. Уни жорий этиш билан йигирмадан зиёд ташкилот шуғулланяпти. Масалан, Механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти таркибли шпинделни кашф қилди. Унинг тажриба нусхаларини ясашга «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Союзмашхлопководство» Бутииттифоқ саноат бирлашмаси кўрилди. Бироқ республикамизда керакли пўлат лента йўқлиги маълум бўлиб қолди. Уни 4 минг километр узоқдан, Череповец металлургия комбинатидан топишди. Шундан кейин икки томонли тишнинг ўрнини қаерда ўйиш масаласи кўндаланг бўлди. Битта ёки иккита эмаски, эгов билан битирсанг. Демак, махсус дастгоҳлар зарур. Ивановодаги корхоналардан бирида шундай дастгоҳлар мавжудлиги аниқланди. У ерда ўзбек машинасозлари буюртмаси билан танишиб чиқишгач, бундан бизга иқтисодий наф йўқ экан, истасангиз асосий топшириғимизни бажариб бўлгачгина, буюртмангизни адо этишимиз мумкин, деган жавобни беришди.

Янги шпинделни синаш чоғида асосий имтиҳон олувчи сифатида Урта Осиё машина синаш станцияси, янги техника жорий этишга воситачи бўлиб «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, истеъмолчи ролида республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги қатнашди. Дала шароитидаги дастлабки синовлар муваффақиятли ўтди. Энди кўрилажак иқтисодий самарани ҳисоблаб чиқиш керак эди. Эҳ-ҳе, уни кимлар ҳисобламади?! Фанлар академиясининг иқтисод институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисоди институти, Механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти, Урта Осиё машина синаш станцияси...

Иш дала синовлари билан битмас экан. Таркибли шпиндель пахта толаси сифатига қандай таъсир кўрсатади, деган муаммо пайдо бўлди. Олтита ташкилот, жумладан, Енгил саноат министрлиги бош ҳакам сифатида синовни бошлаб юборишди. Синов янги шпинделда терилган пахта толасининг сифати бузилмаслигини, айрим кўрсаткичлар бўйича эса сифатнинг яхшиланишини исботлади.

Юқоридаги синовлар ҳолва экан. Таркибли шпинделни кўплаб ишлаб чиқариш учун у ўрнатиладиган пахта териш машиналарининг янги нархини тасдиқлаш керак, деган гап қўзғалди. СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг бюруғи, мазкур министрлик илмий-техника кенгаши, Бутииттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таркибли шпинделни кўплаб тайёрлашни йўлга қўйиш ҳақидаги биргаликдаги тавсиясига қарамай, Давлат нарх комитети пахта териш машинасининг янги нархини шу пайтгача тасдиқлагани йўқ. Табиийки, бундай шароитда «Ташсельмаш» заводи эски ва янги шпинделли машиналар нархи ўртасидаги фарқни тўлашни ўз бўйнига ололмасди.

Бу орада янги муаммо чиқиб қолди. Хўш, таркибли шпинделдан ремонтсиз қанча фойдаланиш мумкин? Умуман, унинг чидамлилиги қандай экан? Бутииттифоқ машинатрактор паркидан фойдаланиш ва ремонт қилиш давлат технология илмий-тадқиқот институтининг Урта Осиё филиали янги шпинделни синаб, уни эксплуатация қилиш чоғида вертикал шпинделникига нисбатан 15,75 миллион сўм, ремонтида эса 2,8 миллион сўм фойда кўрилишини аниқлади. Йирик мутахассислар, олимлардан тузилган баобрў комиссия ўтказган энг сўнгги имтиҳон ҳам таркибли шпинделнинг юксак унумли эканлигини тан олди ва тезроқ жорий этишни тавсия қилди. Аммо ҳамон иш юришмасди.

МАСЪУЛИЯТДАН ҚОЧИБ

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг йиғилишларидан бирида таркибли шпинделлардан фойдаланишдаги иқтисодий самаранинг ҳар хиллигига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институти кўриладиган фойдани 57 миллион сўм деб баҳолади.

— Шпинделларни ювиш туфайли тўхтаб қолган машиналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш туфайли таркибли шпинделли агрегатларнинг унумдорлиги 25-30 процент ортади, — дейилган эди мазкур илм даргоҳининг ҳисоб-китобларида.

Урта Осиё машина-синаш станцияси эса бу рақамни тан олмади. Унинг аввалги ва янги шпинделли машиналар ўртасидаги қиёсий таққослаш амалда, таркибли шпиндель ўрнатилган машиналардан фойдаланиш унумдорлиги бор-йўғи 6-8 процент ортиқ, бу ҳар бир агрегатга ҳисоблаганда йилига 23, 71 сўм миқдорида самара келтиради, демак у кашфиётни жорий қилишга кетадиган сарф-харажатни оқлай олмайди, дейилган.

Таркибли шпинделли пахта териш машиналарини 1973—1976 йилларда хўжалик миқёсида текшириш якунлари тўғрисида «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси янги техника бошқармаси бошлиғи В. М. Редкин эса қуйидагича ахборот берди:

— Тажриба нусхасидаги янги машиналар синови улардаги унумдорлик аввалгиларидан 5 процент ортиқлигини кўрсатди. Урта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисод илмий-тадқиқот институти ана шу миқдордаги унумдорликка таяниб, таркибли шпинделли машинанинг тажриба нусхасига кетган харажат фойда ўрнига 125 сўм зарар келтирди, деган хулосани чиқаряпти.

Шу тариқа фикрлар иккига бўлинди. 1976 йил бошларида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши мазкур муаммони яна муҳокама қилиб. мавсумгача «Ташсельмаш» заводида 234 та машина тайёрлашни тавсия қилди ҳамда барча областларда кенг кўламда хўжалик миқёсида синов ўтказишнинг махсус программасини ишлаб чиқди. Аммо,бу гал ҳам «Узсельхозтехника» бирлашмаси, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан қиёсий синовни ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Шунга қарамай, таркибли шпинделли машинанинг афзаллиги барибир аниқ эди. Бу сафар Урта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисод илмий-тадқиқот институти бир ош ён беришга мажбур бўлди. У қиёсий синовда қатнашган машиналарнинг фақат 45 таси кўрсатган ўртача кўрсаткичга таянган, нима учундир юксак унумдорликка эришган агрегатлар натижаларини ҳисобга олмаган эди. Хулоса сўнггида институт директори С. Усмонов ва бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари доктори В. Платонов бутун масъулиятни бўйинларидан соқит қилиб, шундай ёзишди:

— Хўжалик миқёсидаги синовларда пахта теришда синалаётган ва оммавий ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг иш шароитини механик-ҳайдовчилар малакаси ҳамда эскириш даражасига қараб керакли равишда таққослаш имкони бўлмаганлиги сабабли иқтисодий самарадорлик бўйича олинган натижаларни таркибли шпиндель ўрнатилган пахта териш машиналарининг оммавий ишлаб чиқарилаётганига нисбатан самаралироқ ишлайди, деган қараш сифатида қабул қилиниши мумкин.

Хулосада нима дейиляпти? Ҳеч ким билмайди! Масъулиятсизлик билан жимжимадор, илмий жумлалар аралаш-қуралаш ёзилган бу хулосадан, мана биз ҳисоб-китоб қилдик, лекин ундан масалани ҳал этишда фойдаланишни маслаҳат бермаймиз, деган маънони уқиб олиш қийин эмас.

Рақамлар ўзгарса-да, иқтисодий самарадорликни ҳисоблашдаги келишмовчилик қолаверди. Қизиғи шундаки, Урта Осиё машина синаш станцияси иқтисодчилар баҳсига аралашиш ўрнига томошабиндай қараб тураверди. Ҳамма ишбу станция берадиган ҳисоб-китобларгина янги машина нархини белгилашда асосий юридик асос бўлишини яхши биларди. Станцияга агар ўзининг биринчи кўрсатган ҳисоб-китобини ўзгартирса, обрўйидан ажраб қоладигандай, масъулиятни зиммасига оладигандай туюлмаганмикин? У эҳтимол шундан чўчигандир? Хулосса, ҳар бир ташкилот ўз манфаатини кўзлаб, ўз обрўсини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан ёпишди.

Кейинги текширишларда Урта Осиё машина синаш станцияси томонидан янги шпинделнинг тўлиқ синовдан ўтказилмаганлиги, синовнинг тармоқ методикаси бузилганлиги аниқланди. Станция коллективининг ўз вазифасига расмиятчилик билан қараганлиги янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлида асосий тўсиққа айланди.

ШПИНДЕЛЬ САБОҒИ

Юқори ташкилотларнинг аралашуви билан таркибли шпинделни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида муз кўчаги сезилмоқда. Шундай машиналардан ўнинчи беш йилликда ўн мингта, бу йил эса мингта тайёрлаш белгиланди. Лекин бунгача қанчадан-қанча одамларнинг вақти, маблағ бекорга сарфланганлигига ким жавоб беради?

— Ўн йил ичида таркибли шпинделни жорий қилишга алоҳадор командировкалар ҳаражати деб жуда катта маблағ йўқотдик, — дейди Бутииттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмаси бош инженери И. Великий.

Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев бошлиқ олимлар ўзларига хос бўлмаган масалаларни ҳал қилиш учун сарфлаган куч ва вақтчи? Шароит Ҳалим Ҳайдаровични шундай аҳволга солиб қўйдики, у психологик, иқтисодий, ижтимоий характердаги масалалар билан шуғулланишга мажбур бўлди. Хўш, бу унинг вазифасимиди? Йўқ, албатта. Пахта териш машинаси асосий ишчи органини такомиллаштириш устида жуда кўплаб мутахассислар бош қотиришди ва анчагина таклифлар ҳамда техникавий ечимларни ўртага ташлашди. Таркибий шпиндель уларнинг энг яхшиси бўлиб чиқди. Уни тезроқ жорий этиш қолган эди, холос. Бироқ баъзи кишилар ва ташкилотлар ўз ғоялари ва таклифларини ҳимоя қилиш учун қурашиб, очиқ ва ёпиқ характердаги қаршиликнинг барча шакл ва усулларини ишга солдилар. Айрим ходимлар эса хизмат вазифаларига кўра, янги кашфиётга нисбатан ўз қарашларини очиқ айтишни истамадилар, лекин хатти-харакатлари билан ишнинг олга силжишига ҳалақит бердилар. Ушбу психологик тўсиқни енгиб ўтиш эса ниҳоятда қийин. Аммо керак. Ҳаёт, фан-техника тараққиёти шуни талаб қиляпти.

И. ВОЛГИН.



БУЮРТМАЛАР — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Ранси ўрток Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVIII съездида Сибирь ва Узоқ Шарқ районларини комплекс ривожлантиришга бошқа жойлардаги меҳнат коллективлари ҳам ҳисса қўшишлари мумкин, деб таъкидлади. Тошкентдаги «Компрессор» заводи қоллективи бу жанговар даъватни ўзлари учун ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Улар Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида қад кўтараётган зарбдор объектларнинг буюртмаларини муддатидан илгари тайёрлаб жўнатдилар. Суратларда: 1. Компрессор станцияларини барвақт тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган юқори малакали токарь Т. Қаюмов. 2. Инғувчи А. Кудрявцев бош конвейерда сўнгги операцияларни бажармоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.

Советлар мамлакатида

ТЕПЛИЦА КОМБИНАТИ ҚУРИЛМОҚДА

Сабзавот етиштириш ва уни қайта ишлаш билан шуғулланувчи агросаноат бирлашмасининг Донбассдаги биринчи энг йирик объекти — колхозлараро теплица комбинати қурилиши Курахов ГРЭСи ёнида бошлаб юборилди. Яқин орада жойлашган колхозларнинг суғориладиган ерлари деярли минг гектарга кўпаяди. ГРЭС «том остидаги полиз»ни зарур иссиқлик билан таъминлайди. Бу йил областда 110 та ихтисослаштирилган совхоз ва колхоз сабзавотни саноат асосида етиштирмоқда.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Орқали тизмаси ён бағирларида кўк поя ўриб олинмоқда. Қозоғистон жанубий районларининг деярли ҳамма-сида бу йил ўт-ўлан яхши бўлди. Деҳқонлар бутун ёз давомида бедани камида тўрт марта ўриб олмоқчилар. Улар ем-хашакни кўпроқ гамлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборишди.

РАССОМЛАР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ивановода очилган кўргазма тўқимачилар ўлкаси рассомларининг ижоди билан таништиради. Беш юздан ортиқ асар намойиш этилган экспозицияда РСФСР халқ рассоми М. Малютин чизган меҳнат аҳли портретлари, республикада хизмат кўрсатган рассом Е. Грибовнинг график асарлари ва бошқа асарлар бор. Кўргазма Россияда биринчи ишчи депутатлари Советининг ташкил этилганлигига бағишланган «Қизил иннингул» санъат фестивали муносабати билан уюштирилди.

Ноқоратупроқ ўлкани ривожлантириш уфқлари

Потокдаги мелиорация

«Узновгородводстрой» трести «Тошкент-1» махсус кўчма механизация колоннасининг мелиораторлари Новгород область Шимск районидаги колхоз ва совхозларга ёпиқ дренаж йўли билан захи қочирилган яна 400 гектар ерни тантанали вазиятда топширдилар. Ишларнинг сифати яхши ва аъло баҳоланди. Бу сафар тажрибали механизатор А. Митурич бошчилик қилаётган скрейперчилар бригадаси қурилиш қаҳрамони бўлди. У ўз ўртоқлари билан бирга «Волна революции» совхозининг зах қочириш системасига бориладиган кўчалар ва шох йўлларга тупроқ уйиш ишлари билан шуғулланиб, май ойи планини 170 процент бажарди ва шу тариқа 120 гектарлик участкани муддатидан илгари ишга туширишга имкон берди. Ғаллакорлар бу ерга дарҳол озуқабоп экинлар уруғини ташлашди.

Ўзбекистон вакиллари Новгород деҳқонларига катта ёрдам бермоқдалар. Мана шу «Тошкент-1» механизация колоннасининг коллективини олайлик. Уч йил мукаддам Шимск район марказидаги Медведь қишлоғи ўртасидаги Псков тош йўлининг ўн беш километрлик бўлаги атрофини ботқоқлик ўрмон қоплаб ётарди. Энди бўлса йўлнинг ҳар икки тарафидаги салкам икки километрлик полосани ўзбекистонлик мелиораторлар серҳосил экинзорга айлантиришди. Совхоз ғаллакорлари мелиораторлар билан бирга меҳнат қилмоқдалар. Илгаригидек ташландиқ ерларга улар кўп йиллик ўт уруғларини сочишмоқда, картошка экишмоқда, кузги экинларни озиқлантиришмоқда, узун толали ингирни химиявий усулда ягана қилишмоқда. Мелиораторлар эса янгидан-янги ишларни бошлаб юборишмоқда. Бу йил ишларнинг суръати айниқса кучайди. Экиш оборотига киритилган тўрт юз гектар ердан 200 гектари муддатидан қарийб икки ой илгари фойдаланиш учун топширилди. Трестда биринчи бўлиб ана шу механизация колоннасида жорий этилган поток система бу мувaффақиятга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Унинг моҳияти — машина-механизмларни энг муҳим соҳаларга жамлашдан иборат. Биринчи тайёрлов участкасига бир чўмичли экскаваторлар, бульдозерлар ва кундаков механизмлари берилган. Улар магистрал ва ташлама каналлар қурадилар, дарахт ва буталарнинг илдизларини сугуриб ташлайдилар. Иккинчи участка нуқул зовур ишлари билан банд, учинчи участка эса йўллар кесишадиган жойлардан қувур ўтказади, очиқ каналларнинг соҳилларини щиббалайди, ерни ҳайдаб, мола босади, далаларни текислайди-хўллас, объектларни топшириш учун тайёрлайди. Механизмларни ана шундай ташкил этиш механизаторларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошрибгина қолмай, техникадан фойдаланишни кескин яхшилаш имконини ҳам берди. Ҳатто бирон-бир агрегат бузилиб қолган тақдирда ҳам машина-механизмларга муайян участкага ана шундай тўплаш иш суръатига деярли таъсир қилмайди. Шунинг натижасида, масалан, кўп чўмичли экскаваторларнинг кўпчилик машинистлари ҳар куни 800-900 метр ёпиқ дренаж ётқизмоқдалар. Г. Прохоров, С. Рижий, Н. Афанасьев, Н. Талидонов ва бошқа улар сингари миришкорлар эса кунлик нормани 1600-1800 метрга етказдилар. Ана шу ишларнинг якуни сифатида май ойи программаси 140 процент бажарилди.

В. ЧЕРНЯЕВ, ТАСС мухбири.

Шимск, Новгород области.

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

НУР

ОЧЕРК

Гира-шира тонг ёришмоқда. Осмон гумбазининг пештоқида сўнгги юлдузлар порлайди. Майин эсаётган шабада ҳовлидаги ўрик гулларини кордек теварак-атрофга сочар, ундан хушбўй ҳид таралади. Сайроқи қушлар ҳам базмини бошлаб юборди. Хайриннсо буви қушларнинг янгроқ овози биланми, ёки қандайдир бир қўрқинчли туш кўрибми, чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю аланглаб ёнига қаради. Икки яшар набираси пишиллаб ухлаб ётарди. У Собринг устига кўрпани аста тортиб қўйди, юзларига бирпас термулиб ўтирди. Кейин заранг ҳассасига таяниб ўрнидан турди. Мункиллаб бориб, юзларини ювиб келди-да, нимадандир юраги зирқиради. Хайриннсо буви титроқ қўллари билан пайпаслаб ёстиғининг тагидан мушт-дек тугунчани очди. Унинг ичида бир сиқим тупроқ билан бир парча нон бор. Туманли йиллардан ёдгорлик бўлиб қолган шу бир парча нонда кимнингдир садаф тишларининг излари қолган, суви қочиб зарангдек қотиб кетган. Тугунчадаги бир сиқим тупроқ ҳам она учун ноёб, нақадар азиз! У ўша бир парча нонни кўзларига суртар, тупроқни ҳидларди. Ҳидларди-ю пўрсилдок босиб, қони қочган қалпин лаблари гоҳ очиб юмилади, у ўзича нималарнидир пичирлайди. Ҳамон ўқ-дори, порох ҳиди анқиб турган бу тугунчада не сир бор ўзи?

Заҳматкаш чўмоли дон ташиб омборини тўлдиргани каби Хайриннсо буви ҳам бисотини тўлдириб, бутун борини ўғлига, бўлажак севимли келинига сочмоқчи эди. Ҳатто бодом қовоқли Коракўз исмли қизга Тўйчини «бешик кетди» қилиб қўйганди. Уша осуда кунларнинг завқи бошқача эди.

Тўйчи Сирдарё қирғоғида, Бешарик атрофларидаги қишлоқлардан бири — Булоқда туғилди. Сир бўйларидаги яйловларда кўй боқиб камол топди. Тўйчи бўриларга бир неча бор дуч келган бўлса ҳам лекин ўзини йўқотмасди. Тўйчининг бобоси Холийгит, отаси Эрйигитлар ҳам бўри билан олишиб юриб, чўпонликда суяги қотган эди-да. Тўйчи тушмагур ҳам ўшаларга тортди. Кейин, кейин, нима бўлди? Уруш бошланди.

Поезд жилди. Қора кўзлар қорачиғида Тўйчининг юлдуздай кўзлари қолди. Жўшқин Сир бўйлари ва Чинорободда унинг излари қолди. Булоқда, онаизори қалбида ажойиб ҳислари, орзу умидлари қолди...

Тўйчи Эрйигитов Ватан жангчоҳларида ўт бўлиб, олов бўлиб чақнарди. У Армия сафида ҳарбий техника сирларини пухта ўрганиб, тажрибали пулеметчи бўлиб душманнинг додини берарди. У 1942 йил июнь ойида Калинин области учун бўлган жангларда қаттик яраланди. Госпиталда даволанди. Кейин уни Волхов фронтига жўнатишди. Дубинский кўмондон бўлган ўқчилар дивизиясининг 2-батальонида Тўйчи Ленин партияси сафига кирди. Эндиги вазифа — Ленинград мудофаачиларига ёрдам-пашиб, бу инқилоб бешигини душман қуршовидан озод қилишда Тўйчи каби пулеметчилар ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиши керак эди.

1943 йил 5 октябрь. Ленинград 900 кун душман қуршовида қолган эди. Шу муддат ичида шаҳар халқи бошига нималар тушмади. Нималарни кўрмади улар? Уруш даҳшатлари, ҳалокат, очлик, ўлим, жасорат ва мардлик... Ҳаммаси бўлди, лекин, порлоқ ғалабага бўлган юксак ишонч ҳеч қачон сўнмади. Энг қудратли техника, тажрибали қучлар Ленинградга ташланди. Тўйчи Эрйигитов Сапрун ротасида тажрибали пулеметчи сифатида ном чиқарганди. Рота Любань станцияси ёнидаги Смердиня қишлоғини душмандан озод қилиш шарт. Қишлоқнинг ўртасидан Тигода дарёси оқади. Дарё соҳилларида ҳаёт-мамот жанги бораётир. Душман ДЗОТидан ўлат уруғи ёмғирдай ёғаётир. Бутун рота хавф остида.

Тўйчи қуролдош дўстларига хитоб қилди.

— Уртоқлар, биз анчадан бери буйруқ кутардик. Мана буйруқни ҳам олдик. Ҳар биримиз қасамёд қиламиз... Фашистлар устидан ғалабага эришиш йўлида бутун куч ва ҳаётимизни ҳам аямаймиз.

Пулеметчилар ер бағирлаб боришарди. Мана улар пой қучиб, ер тирнаб боришяпти. Теварак-атрофларига ҳар дақиқада тинимсиз олов сачрайди. Ҳайҳот, кутилмаганда жангчи Снопко ер тишлади. Бир оздан сўнг Ҳамроевнинг ҳам кўзларидан шуъла сўнди. Энди Тўйчи улар учун ҳам душмандан ўч олиши шарт.

Тепалик ортидан ўқлар ёмғири тинимсиз ёғади. У ғазаб оташида ёниб ер бағирлаб олга интилади. Душман ДЗОТига 7-8 метр қолганда Тўйчи энди ДЗОТнинг туйнугидан чиқиб турган пулеметнинг милини бараддапа кўриб, мўлжалга олиб бўрарди. ДЗОТ анча мустаҳкам бўлиб, уни автомат ёки граната билан қўпориб ташлаш мумкин эмас. Акс ҳолда душман ҳужум қилиб, сафдошларини бутунлай қириб ташлаши мумкин, бу ҳолда буйруқ бажарилмай қолади.

Тўйчининг кўз ўнгида буюк бир ёлқин — Александр Матросовнинг ўлмас жасорати гавдаланади.

Бироқ, бироқ... Қаердандир учиб келган ўқ унинг чап юзини узиб кетди. Бетлари шилиниб, гўшти осилиб, чала жон бўлиб қолди. Нима қилсин, ер тишлаб қимирламай ётсинми? Йўқ, йўқ, ана икки метр қолди пулемёт милини бекитишга. У қонга беланган ҳолда сўнгги куч билан ўрнидан турди. Узини душман ДЗОТига ташлади. Кўкраги билан олов сочаётган пулеметнинг милини беркитди. Тўсатдан ташландан буюк ёлқин пулеметнинг овозини ўчирди.

Вахимага тушиб, қўрқиб қолган фриц секин бошини кўтариб олдинга қаради. Унинг қаршисида кўкраги ўқлардан элак-элак бўлиб кетган ўзбек йигити қонга беланиб ётарди. Унинг қалби уришдан тўхтаган бўлса ҳам лекин юзларида ёрқин бир нур —шуъла бор эди.

Бирдан ғалаба маррасини эгаллаб келган. Тўйчи ротасининг «Ура!» садолари янгроқ қолди...

Хайриннсо буви қадрлаб келаётган мактубар орасида шундай бир ажойиб мактуб сақланмоқда. Унда шундай сатрлар бор: «Хурматли Хайриннсо Эрйигитова! — дейилган унда, — ҳарбий қўмондонликнинг маълумотларига кўра сизнинг ўғлингиз қизил аскар Тўйчи Эрйигитов Совет Ватани учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Немис-фашист босқинчилари билан бўлган жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун ўғлингиз — Тўйчи Эрйигитовга СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 21 февралдаги Фармони билан олий унвон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

СССР Олий Совети Президиуми Фармонига кўра Сизнинг ўғлингизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани ҳақидаги Ёрлиқни халқимизнинг ўғлингиз қаҳрамонлиги тўғрисидаги хотираси сифатида Сизга юборяпмиз».

СССР Олий Совети Президиуми номидан 1947 йилнинг 20 мартида ёзилган бу хатга Николай Михайлович Шверник қўл қўйган эди.

1967 йил куз пайтлари эди. Булоқдаги совхоз директори Абдурафиқ Исматов Ҳайриннса холани кўргани келиб қолди.

— Келинг, келинг, ўғлим, яхши юрибсизми? — Ҳайриннса хола кўзлари жовдираб Абдурафиқни сўрига ўтиришга таклиф қилди.

— Келдим, бувижон, ўғлингиз олдидан келдим, уни кўриб келдим, Абдурафиқ Ҳайриннса бувини хурсанд қилмоқчи, кўнглини кўтармоқчи бўлди. Ҳайриннса буви ўзида йўқ қувониб кетди.

— Вой, тилингизга асал, ўғлим. Қани бафуржа гапириб беринг, айланай. Тўйчим қаерда экан, соғ-саломат юрибдими, боши омонми, — у апил-тапил сўрига кўрпача ташлади. Кейин кўзларини милтиратиб:

— Қаерда кўрдингиз. Қалай тани-жони соғми, қачон келади, жоним сатқа сиздан?!

Абдурафиқ бир пас жимиб қолди. Нима десин, нималарни айтсин. Тугунчани кўрсатса Ҳайриннса буви қандай аҳволга тушар экан? Лекин Тўйчининг руҳини ўзи билан Булоқ қишлоғига, онаизорига бошлаб келди-ку. Нима бўлганда ҳам айтгани маъқул.

— Бувижон, ўғлингиз Ленинград яқинидаги Любань станциясида, — у ёғини айтолмади. Кейин ўзини бир оз босиб олиб гапида давом этди. — Мен ўғлингизни кўриб келдим. Лекин, лекин ўғлингиз... Бошқа гапиролмади. «Мана ўғлингиз Тўйчи Эрйигитов, мана шу бўлади» дегандек онаизорга бир тугунчани узата олди, холос. Узи эса мунгли туйғулар оғушида ерга қаради. Ҳайриннса бувининг қўллари титрар, тугунчага кўз ёшлари дув-дув тўкиларди.

— Наҳотки, шу менинг ўғлим бўлса? Йўқ, йўқ, бунга ишонмайман, у тирик, у келади.

Тўйчи Эрйигитов номли совхоз директори Абдурафиқ Исматов Ленинградга командировкага борганди. Қайтишда Ленинград ҳарбий округидан унга юртдошингиз Тўйчи Эрйигитовнинг қабри Любань станциясида, зиёрат қилиб кетишингиз мумкин деб қолишди. Шунга қадар унинг қабри қаердалиги номаълум эди. А. Исматов қаҳрамон қабрини зиёрат қилиб, қайтишда унинг ҳокини ўзи билан бирга олиб келди. Уни Ҳайриннса бувига етказди. Бу хабар республикага таралди...

Тез орада махсус делегация тузилди. Улар орасида Тўйчи Эрйигитовнинг онаси Ҳайриннса буви, қизи Ашурбиби, Тўйчининг ўқитувчиси Эргаш Сангинов, совхоз директори Абдурафиқ Исматов, партия, совет, касаба союз ходимлари ҳамда санъаткорлар бор эди.

Улар Любань станциясига тушишди. Қардошлар меҳмонларини нону туз билан кутиб олишди, чақмоқ кўзлар гоҳ меҳр билан, гоҳ аламнок боқади. Қалбларда гоҳ севинч, гоҳ мунгли туйғулар ғалаён қилади. Уларнинг кўз ўнгида оқ мармардан ясалган ёдгорликка битилган сўзлар гавдаланди. «Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин! Бу ерда бошқа қаҳрамонлар билан бирга Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўйчи Эрйигитов дафн этилган. Туғилган йили 1921—1943 йил 5 октябрда ҳалок бўлган» деган сўзларни ўқишди улар.

Онаизор тош сағанага бошини қўйди...

Йиғлайвериб, кўзларида ёш қуриди. Киндик қони тўкилган Булоқ қишлоғидан олиб келган бир сиқим тупроқни Тўйчининг қабрига сочди. Пўрсилдоқ босган қонсиз пабларни титрар, она нималарнидир пичирларди.

Тўйчи Эрйигитовнинг порлоқ хотираси абадийлаштирилган. Ашт районидаги совхозга ҳамда ўзи ўқиган Булоқдаги мактабга Тўйчи Эрйигитов номи берилган. Совхоз Ҳайриннса холага яни участка қуриб берган, ҳовлисига Тўйчининг монументи ўрнатилган...

Она мисоли бир улуғвор дарёга ўхшайди, у гоҳида кўпириб, қирғоқлардан ошгиси келади. Қалбида гоҳ қувноқ, гоҳ ҳазин бир сурур бор. У гоҳ тўлқинли, гоҳ тинч оқади. Ҳайриннса буви тугунчадаги ўғлининг ҳокини ҳидлайди, аста шивирлайди. Тўйчини ёд этади.

Кўз ёшлари тугунчага сингиб кетади, она ўғлининг руҳига сингиб кетади, кўёш нурларидай уни илиттандай бўлади. Урушни қарғайди-ю, энди ҳаёт дарёси тинч оқсин деб дуо қилади.

Она юрагида ҳаёт дурдонаси — меҳр дунёси қат-кат бўлиб ётибди. Уни фарзандларга, авлодларга бахш этди, яна бахш этажак.

Набираси уйғонди. Уни бағрига босиб кўчага чиқди, катта кўчада одамлар дарёси оқарди. Улардан қайси биридир Тўйчидай бўлиб гавдаланди. Хайриннса бувининг чеҳраси очилди. Узоқ-узоқларга шодон қараб қолди.

Ашурали АҲМЕДОВ.

НАМАНГАН

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бадиий ҳаваскорлик коллективлари билан халқ талантларининг ривожланиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётирлар. Наманган шаҳридаги маданият саройида бўлиб ўтган область бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўрик-конкурси ғолибларининг якунловчи концерти бунинг ёрқин далили бўлди.

Поп, Задарё, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Чуст, Норин ва Уйчи районларидан саралаб олинган ҳаваскор хонандалар, рақосалар, бадиий сўз усталари ўз маҳоратларини бирин-кетин намойиш этдилар.

Кўрик ғолибларига дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЛЕТУЧКАСИ

Қорақалпоғистон область партия комитети Автоном республика журналистлар союзи билан биргаликда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» асари ва матбуот, телевидение ҳамда радиода ҳарбий-ватанпарварлик пропагандаси мавзуида республика журналистларининг летучкасини ўтказдилар. Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Б. Исмоилов доклад қилди.

Автоном республика журналистларининг летучкасида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Советская Каракалпакия» газета редакциясининг бўлим мудири В. Кудрявцев, автоном республика Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш бўйича комитети раисининг ўринбосари Г. Сейдназаров, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, СССР Журналистлар союзининг аъзолари М. Абдураимов, А. Миреев, Н. Жаримбетов; Кичик ердаги жанглар қатнашчиси Т. Ибрагимов, «Амударё» журналининг редактори У. Хўжаназаров, «Жеткеншик» газетасининг редактори А. Отажонов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Докладчи ва нотиқлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг асари мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлганлигини таъкидлаб, Автоном республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари бу асарни зўр қизиқиш билан қутиб олганликларини айтдилар. Бу асарда Кичик ердаги қаҳрамонона жанглар лавҳалари ҳаққоний ва жўшқин тасвирланган, совет кишилари руҳининг улуғворлиги, уларнинг ватанпарварлиги ва интернационализми ёрқин акс эттирилган.

«Кичик ер» китоби ёш авлодни тарбиялашда ғоят муҳим асар эканлигини таъкидлаб. Автоном республика журналистлари летучкасининг қатнашчилари матбуот, телевидение ва радиода ҳарбий-ватанпарварлик тематикасини ёритишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиладилар.

К. ЕРНИЁЗОВ,
Қорақалпоғистон АССР Журналистлар союзи правлениесининг масъул секретари.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Гастроль давом этмоқда

«Ҳамма билетлар сотиб бўлинди». Бу эълонни шу кунларда Мукимий номли театр биносида ўқиш мумкин. Бу ерда М. Гофурий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Бошқирдистон академик театри ўз санъатини бир ҳафта намойиш қилади.

Юзлаб тошкентликлар кенг ва ранг-баранг репертуарларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилган театр коллективи билан танишиб олдилар.

Бошқирдистон театрининг директори Р. Г. Шафиқов бундай деди: бизнинг гастролларимиз Тошкентда биринчи марта ўтаётир. Шуниси қувончлики, бизнинг саҳнадаги санъатимиз бу ерда жуда кўп муҳлислар орттирди. Биз бу ерда намойиш қилган барча спектакллар, жумладан, «Онаҳлар ўғилларини кутмоқда», «Ғолиябону», «Эгизаклар» ва бошқа музикали драмаларда зал томошабинлар билан лиқ тўла бўлди. Тошкентдан ташқари Олмаликда, Гулистон ва Янгийўлда ҳам спектакллар кўрсатдик.

Узбекистондаги гастролга бошқирд артистлари тўққизта спектакль олиб келишди. Репертуарга миллий драматургиядан ташқари, таниқли турк ёзувчи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Хўжайли районидаги «Ленин байроғи» колхозида беда ҳар қачонгидан яхши ўсди. Колхоз мириқшорлари бедани ўз вақтида ўриб олиб, яшил озуқа—сенаж ва беда уни тайёрлашяпти. Суратда: илғор механизатор Аҳмет Нуриманов (чапда) ва бригада бошлиғи Жонибой Иброҳимов ўртоқлар ўрилган беданинг сифатини текширишяпти.

А. Лихварь фотоси (ЎзТАГ).

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

ПАХТАЧИЛИКДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ

Районимиз ўтган йилнинг март ойида ташкил топди. Дастлабки кунларданоқ ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ва сафарбарлик ишларига эътиборни кучайтирдик, йиллик план ва мажбуриятларнинг ҳамма соҳаларда муваффақиятли бажарилишини таъминладик. Пахтакорлар ҳар гектар майдоннинг ҳосилдорлигини аввалги йилга нисбатан ошириб, 42 минг тонна «оқ олтин» тайёрладилар. Юбилей йили меҳнат якунларига кўра районимизга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили зарбдор йил деб эълон қилинди. Район меҳнатчилари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар. Уни бажариш учун мусобақа ҳаракати қизитиб юборилди. Деҳқонларимиз кўп йиллик тажрибаларига таяниб экиш-тикиш юмушларини эрта бошлаб юбордилар. Апрелнинг биринчи ярмида 12 минг 574 гектар майдонга ингичка толали пахта чигити қадалди. Барча диққат эътибор уруғни ундириб олиш ва ниҳолларни парвариш қилишни тўғри ташкил этишга қаратилди.

Бироқ иш юришиб кетган шундай кунларда ёмғир, жала бўлиши, ҳавонинг совиб, тупроқнинг ҳарорати пасайиб кетиши, далаларда қатқалоқ пайдо бўлиши кўпгина қийинчиликларни юзага келтирди. Уруғ бир текис униб чиқмади. Мурғак ўсимликларга томир чириши касаллиги бошланди. Айрим жойларга такрор чигит экилди. Бу иш узоқ деганда икки-уч кунда тугалланди.

Район партия комитети колхоз ва совхозлардаги аҳволни пухта ўрганиб, табиат инжиқликлари туфайли содир бўлган қийинчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилади. Оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Пахтакорларнинг сабот-матонати, яратувчи меҳнати, интизоми ва уюшқоқлиги ҳамда белгиланган вазифани бажаришдаги масъулияти ҳамма жойда гектарларнинг тўла, кўчатларнинг бут бўлишини таъминлади. Ҳозирги кунда ҳар гектар майдонда 145—150 минг туп ниҳол ўстирилмоқда. Ғўзалар шоналай бошлади, унинг ривожи яхши. Биз бунга қандай қилиб эришдик?

Энг аввало биз раҳбар меҳнаткашларига мурожаат этдик. Оммани далага сафарбар қилдик. Табелчи, бригадир, участка агрономи, пахтачилик мутахассислари масъулиятини оширдик. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китобида айтилганидек, оддий одамлар билан мулоқатда бўлдик. Механизаторлар, суғичилар билан яқиндан суҳбатлашдик. Уларнинг фикр-ўйларини билиб олдик. Вазифаларни шунга қараб белгилаб чиқдик. Далалар механизатор ва суғичиларга биркитиб берилди. Ҳар бир киши ўз иши учун жавоб берадиган бўлди. Техника воситалари, ишчи кучларидан унумли фойдаланилди. Шундай қилиб, пахтакор деҳқонлар об-ҳаво инжиқликларига қарамай кун-тун мардонавор меҳнат қилиб, қийинчиликларни бартараф этдилар.

Пахтакорларимиз бу йил она-Ватанга 50 минг тонна ингичка толали «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилишган. Бундай юксак мажбуриятни бажариш осон эмас. Ипак пахта ғўзаси алоҳида парвариш қилишни талаб этади. У бошқа ғўзаларга қараганда кўп озуқа, сув «сўраши» билан бирга: «Ёрнинг қолатини яхшила, етарли ҳаво, ҳарорат бер» — дейди. Ана шу ишни бажариш тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишчанлик, малака ва уюшқоқликни талаб этади.

Колхоз ва совхозларимизда ишнинг кўзини биладиган, ўз тажрибаси билан бошқаларни янги марраларни эгаллашга етаклаб борадиган пахтакорлар оз эмас. Бригада бошлиқлари Ҳасан Мухторов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор Хўжаназаров, Соатмурод Жўраев, Тошбой Хўжамуродов, Бобоқул Холмўминовлар шундай деҳқонлардир. Улар етакчи бўлган бригадаларнинг коллективлари ҳар қандай шароитда ва ҳар йили пахтадан энг юқори ҳосил кўтариб, табиат инжиқликларини мардонаворлик билан енгиш қандай бўлишини амалда кўрсатиб бермоқдалар.

Ғўзалар ривожланиш палласига кирди. Бу даврда янада зўр масъулият ва тадбиркорлик билан иш тутмоқ лозим. Шунинг учун район партия комитети ғўза парваришининг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида зарур тадбирлар белгилади.

Ҳозирги вақтда культивацияни сифатли ўтказиш катта фойда беради. Культиватор ишчи органларини мутахассислар кўрсатмасига биноан ўрнатиш даркор. Культивацияни чуқур ўтказиш ернинг захини йўқотишга ёрдам беради, тупроқ қатламларининг юмшатилиши ғўзага иссиқлик ва ҳавонинг нормал миқдорда боришини таъминлайди. Шунинг учун трактор тезлигини оширмасдан ер қатламларини чуқур агдариш, захини қочириб туриш мақсадга мувофиқдир. Культивация чуқурлигини 35-40 сантиметрга етказиш бу йилги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Аввалги йилгидан 1,5-2 марта ортиқ культивация ўтказиб, ғўзани яшнатиш керак.

Ишловни табақалаштирган ҳолда олиб бориш наф беради. Чунки бу йил ғўзаларнинг ривожланиши ҳар хил. Усишдан қолган жойларни қўшимча равишда ишловдан чиқариш деҳқончилик илмида ғоят аҳамиятлидир.

Суғоришнинг сифатига эришиш учун сувчиларнинг масъулиятини ошириш, уларнинг икки сменада унумли ишлашини таъминлаш зарур. Биринчи суғориш билан иккинчи суғориш ва озиқлантириш орасида культивация камида уч марта ўтказилса, суғоришнинг ҳам, озиқлантиришнинг ҳам фойдаси кўп бўлади.

Бегона ўт ғўзанинг ривожланишига энг кўп зиён етказади. Шу сабабли далаларни бегона ўтдан тозалаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўйилмоқда. Бегона ўтни таг-томири билан юлиб ташлашга эришмоқ зарур. Бегона ўт ғўза ризқига шерик бўлади, шу билан бирга ҳашаротнинг кўпайишига олиб келади. Чопиқчилар ғўза тагини юмшатиш билан бир вақтда, бегона ўтларни йўқотиб, далаларнинг доимо тоза бўлиб туришига эришишлари керак.

Районда социалистик мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун барча пахтакорларни далага сафарбар этиш кун тартибидаги масаладир. Меҳнат интизоми ва масъулият ҳар бир кишининг шиорига айланган.

Колхоз ва совхозларда ишни тўғри ташкил этишнинг асосий омили меҳнат унумдорлигини оширишдир. Ҳозир механизаторлар, сувчилар, чопиқчилар иш нормаси қайта кўриб чиқилиб, унинг бажарилиши таъминланмоқда.

Меҳнаткашларга ғамхўрлик кўрсатишнинг ҳамма методларидан фойдаланилмоқда. Дала шийпонлари мавсумбоп қилиб безатилган. Боғча ва ясли-ларда барча шароитлар муҳайё этилган.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари социалистик мусобақа якунларига биноан рағбатлантирилмоқда. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланяпти. Илғорларга қимматбаҳо буюм ва пул мукофотлари берилмоқда.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва барча коммунистлар ташкилий, оммавий ва сиёсий-тарбиявий ишларни шу кунлар талаблари даражасида олиб бориб, зарбдор йилнинг муваффақиятли якунланиши учун ҳамма чора-тадбирларни кўрадилар.

Ч. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон КП Қумқўрғон район комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ОЛТИН УНДИРАЁТГАНЛАР

Уйчи районидаги «Гулистон» совхози далаларида фидокорона меҳнат қилаётган ҳар бир кекса-ёш мўл ҳосил иштиёқида. Шу боисдан ишларида унум бўлаётир. Зафар кетидан зафарлар қўлга киритиляпти.

Совхоз далаларини кўздан кечирамиз. Бир вақтлар Норин дарёси оқиб ўтган бу ерлар — қум-тошлардангина иборат эди. Яқин-яқинларгача одам қадами етмаган тўқайзорларни маҳаллий аҳоли Орол деб атар экан.

1973 йилнинг мартида «Гулистон» совхози ташкил бўлди. Қадами қутлуғ, қўли гул кишилар тўқайзор ва тошлоқлар ўрнида боғ-бўстонлар, пахтазорлар, шолизорлар, шинам уй-жойлар, жамоат бинолари бунёд этишга отланишди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас тадбиркор ва ташаббускор коммунист Исмоилжон Исоқов хўжаликка директор бўлиб келди. Янги ерлар очиш, қурилиш ишлари кун сайин ривожлана борди. Ҳозиргача 800 гектар ер ўзлаштирилди. 192 ўринли замонавий мактаб, 180 ўринли боғча, 47 та турар-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди, 15 километр йўлга асфальт ётқизилди, ҳаммом қуриб ишга туширилди, юз тоҳчали телефон станцияси бунёд этилди. Бу йил 450 минг сўмлик уй-жойлар, 200 минг сўмлик жамоат бинолари қурилди. 60 гектар ерда балиқчилик хўжалиги барпо бўлади.

Биз ишчан коммунист Мирза Йўлдошев бошқарувчилик қилаётган биринчи бўлим идорасидамиз. Тошлоқ ерлар ўртасида қад кўтарган бу бино кенг далаларга файз киритиб турибди. Бино олдидаги ёш ниҳоллар шабадада тебранади. Нарироқда кўм-кўк ғўза майсалари оралаб культиватор кезмоқда, экинга ишлов бериляпти.

Бўлим азаматлари бу йил 380 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 40 центнердан пахта топширишга аҳд қилишибди.

Шу бўлимга қарашли Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ғанибой Холбоев бошлиқ бригадаси аъзолари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилишаётир. Ғани аканинг ўғли Неъматжон Ғаниевни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Ёш коммунист ўтган йигитерим мавсумида «зангори кема» билан 314 тонна пахта териб берган эди. Шу кунларда у ғўза қатор ораларига ишлов беришда пешқадамлик қилаётир.

Биринчи бўлимнинг ёш коммунист Баҳодир Мўминов бошлиқ бригадаси далаларини кўздан кечирдик. Тобора гуркираб ўсаётган ниҳоллар кўнгилга ором бахш этади. Оталар изидан бориб пахтакорлик сирларини эгаллаётган комсомол йигит Рустам Шодмонов ўзи бошқараётган агрегат билан ғўзага ишлов бераётир.

Анчагина йўл босиб икки марта Ленин ордени кавалери Биланбой Холматов бошқарувчилик қилаётган 2-бўлимга етиб бордик.

— Бахт, бахтиёрлик шунчалар бўлади-да. — дейди тўлқинланиб устоз пахтакор Б. Холматов. — Бизнинг озод мамлакатимизда халол меҳнат қилган ҳар бир одам ҳамиша юксак қадрланади. Бу йил коллективимиз гектаридан планда кўзда тутилган 30 центнер ўрнига 40 центнердан ошириб пахта етказиб беришга аҳд қилди.

Бўлимнинг ёш коммунист Муҳаммадсодиқ Имомов, моҳир пахтакор Илҳомжон Турсунов бошлиқ илғор бригадаларида бўлганимизда бу ердаги меҳнат кўтаринкилигини кўрдик.

Коммунист Ҳасанбой Убайдуллаев бошқарувчилик қилаётган поличилик бўлимидамиз. Бўлим экин майдонлари тошлоқ ерлар. Омилкор деҳқонлар ана шу жойлардан шолидан мўл ҳосил олаётганларидан беҳад мамнун бўлдик. 459 гектар ерга махсус агрегат билан уруғ ташланибди. Кўм-кўк ниҳоллар кун сайин яшнаётир. Бўлим галлакорлари пландаги 920 тонна ўрнига 1030 тонна шоли ҳамда кўплаб маккажўхори дони етказиб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди.

Совхозда чорвачилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Бўрдоқичилик комплексида ҳозирда 1500 бош қорамол яхши парвариш қилинаётир.

Хуллас, «Гулистон» совхози азаматлари музаффар ўнинчи беш йиллигимизнинг учинчи йилида юксак чўққиларни кўзлашаётир.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Қувасой шаҳри (шаҳар партия комитетининг секретари М. Раҳматов, шаҳар ижроия комитетининг раиси К. Эргашева, шаҳар комсомол комитетининг секретари Н. Шодиев, бош пилла қуритиш идорасининг директори К. Абдуллаев).

Урганч райони (район партия комитетининг секретари М. Жуманазаров, район ижроия комитетининг раиси вазифасини ижро этувчи Т. Янгибоев, район комсомол комитетининг секретари Д. Ражабов, бош пилла қуритиш идорасининг директори Х. Кенжаева).

Қўшкўпир райони (район партия комитетининг секретари М. Воисов, район ижроия комитетининг раиси К. Ғаффоров, район комсомол комитетининг секретари Р. Матчонова, бош пилла қуритиш идорасининг директори О. Отаниёзова).

Боғот райони (район партия комитетининг секретари У. Мадаминов, район ижроия комитетининг раиси Б. Бобиддинов, район комсомол комитетининг секретари З. Саъдуллаева, бош пилла қуритиш идорасининг директори Э. Рўзметов).

Хазорасп райони (район партия комитетининг секретари Ю. Сатторов, район ижроия комитетининг раиси И. Давлатёров, район комсомол комитетининг секретари К. Рўзимбоев, бош пилла қуритиш идорасининг директори Х. Болтаева).

Пахтаобод райони (район партия комитетининг секретари М. Эшонов, район ижроия комитетининг раиси М. Даврон ов, район комсомол комитетининг секретари А. Абдималиков, бош пилла қуритиш идорасининг директори Х. Ҳаитов).

Ховос райони (район партия комитетининг секретари Г. Сувонқулов, район ижроия комитетининг раиси К. Жумаев, район комсомол комитетининг секретари Н. Тоғаймуродов, бош пилла қуритиш идорасининг директори А. Хўжабеков).

Хўжайли райони (район партия комитетининг секретари П. Холмуротов, район ижроия комитетининг раиси Д. Файзуллаев, район комсомол комитетининг секретари П. Авезжонов, бош пилла қуритиш идорасининг директори А. Матсапаева).

Амударё райони (район партия комитетининг секретари Н. Қурбонбоев, район ижроия комитетининг раиси Б. Қурбонниёзов, район комсомол комитетининг секретари Ю. Собиров, бош пилла қуритиш идорасининг директори Ш. Пиримбетова).

Гурлан райони (район партия комитетининг секретари Г. Машарипов, район ижроия комитетининг раиси А. Вафоев, район комсомол комитетининг секретари У. Маткаримов, бош пилла қуритиш идорасининг директори Б. Собиров).

Булунғур райони (район партия комитетининг секретари И. Ҳидиров, район ижроия комитетининг раиси Э. Омонбоев, район комсомол комитетининг секретари А. Саримсоқов, бош пилла қуритиш идорасининг директори А. Тўраев).

Хўжаобод райони (район партия комитетининг секретари Н. Кодиров, район ижроия комитетининг раиси Н. Дадабоев, район комсомол комитетининг секретари Т. Мирзаев, бош пилла қуритиш идорасининг директори М. Мирзаев).

Қўрғонтепа райони (район партия комитетининг секретари К. Зайниддинов, район ижроия комитетининг раиси Д. Абдураззоков, район комсомол комитетининг секретари З. Ашурова, бош пилла қуритиш идорасининг директори Т. Йўлдошев).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси муносабати билан 6 июнь куни совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Матбуот конференциясида СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко нутқ сўзлади.

Совет Иттифоқи, деди у, Ленин давридан бери қуролсизланиш жарчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг бу соҳадаги куч-ғайратларимиздан кузатилган пировард мақсад ялпи ва тўла-тўкис қуролсизланишга эришишдан иборат. Аммо биз қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва реал қуролсизланиш тадбирларига ўтиш борасидаги айрим қадамларни амалга ошириш соҳасида ҳам ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз.

Айни вақтда қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида бир битимга эришиш суръатлари ҳамон қуролланиш пойгаси суръатларидан орқада қолаётганлиги мутлақо равшан.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, «Бутун дунёда авж олиб кетган қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳозирги энг муҳим, энг зарур вазифадир». Айни шу боисдан ҳам, КПСС XXIV ва XXV съездлари маъқуллаган ташқи сиёсат программаларида ҳамда Л. И. Брежневнинг шундан кейинги нутқларида, жумладан унинг яқинда бўлиб ўтган ВЛКСМ XVIII съездидаги нутқида, шунингдек ГФР ва ЧССРга қилган визитлари давомида сўзлаган нутқларида қуролсизланиш масалалари марказий ўрин олди.

БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган махсус сессиясига Совет Иттифоқининг ёндашуви ҳам ана шу вазифанинг тарихий муҳимлигини англаш билан белгиланади. Бу сессияда у сессиянинг муваффақиятига кўмаклашишга қаттиқ аҳд қилиб қатнашмоқда.

Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига қуролланиш пойгасини тўхтатишнинг амалий йўллари тўғрисида пухта ўйланган таклифлар билан борди. Бу таклифларга Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездидаги нутқида баён этилган тадбирлар программаси асос қилиб олинди. Бу тадбирлар давлатларнинг аввало йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатларнинг қурол-яроғларини ва қуролли кучларини миқдор ҳамда сифат жиҳатидан бундан буён ўстиришни батамом тўхтатиш мақсадини кўзлайди.

Совет Иттифоқи ядровий қуроллар пойгасини тўхтатиш, сўнгра эса уни орқага буриб юборишга қаратилган тадбирларнинг бутун бир комплексини таклиф этмоқда.

Шу тадбирлар амалга оширилган тақдирда, яъни уларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, ядро уруши хавфини мутлақо тугатишни таъминлаган бўлур эди. Аммо, баъзи бир ишларнинг бошланиши сифатида ҳатто улар қисман амалга оширилган тақдирда ҳам ядро қуролининг буядан буёнги тарқалишига йўл қўймаслик жиҳатидан шунинг ўзи ҳам катта иш бўлур эди.

Совет Иттифоқи ўз ташаббуси билан ўртага қўйган таклифларни рўёбга чиқариш учун янги музокаралар ўтказиш керак бўлади. бу музокараларни ўтказиш тартиби ва вақтини Бош Ассамблеянинг махсус сессияси белгилаб бериши мумкин бўлур эди. Шу билан бирга Совет Иттифоқи қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг турли масалалари хусусида ҳозирнинг ўзидаёқ олиб борилаётган музокаралар тезроқ муваффақиятли тугалланишига ҳаракат қилмоқда.

Бу масалалар орасида стратегик қуролларни чеклашга бағишланган Совет-Америка музокаралари жуда муҳим ўрин олади. Бу музокаралар стратегик хужум қуролларини чеклаш тўғрисида иккинчи битим тайёрлаш мақсадида бир неча йилдан бери олиб борилаётгани маълум, ана шу иккинчи битимнинг асосий параметрлари Владивостокда 1974 йил ноябридаёқ олий даражада ўтказилган учрашув вақтида ишлаб чиқилган эди.

А. А. Громиконинг яқинда совет телевидениеси орқали берилган суҳбатида шу битимни тайёрлаш ишнинг ҳозирги аҳволи ва май ойи охирларида шу масала юзасидан АҚШ президенти Ж. Картер ва АҚШ давлат секретари С. Вэнс билан ўтказилган музокаралар таърифлаб ўтилди.

Совет Иттифоқи ҳал бўлмай қолаётган масалалар хусусида келишиб олишни жадаллаштириш учун ҳамма ишни қилмоқда. Бугина эмас, СССР ҳозир ишлаб чиқилаётган битим тузилганидан кейин дарҳол, ўз-ўзидан равшанки, томонларнинг баб-баравар хавфсизлиги принципи асосида ва шу билан боғлиқ бўлган барча омилларни ҳисобга олган ҳолда стратегик ҳужум қуролларининг даражаларини анча пасайтиришга ва уларнинг сифатини такомиллаштиришни янада чеклашга олиб борилиши лозим бўлган музокараларни давом эттиришга тайёрдир.

Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессияси муҳокамасига қуролланиш пойгасини тўхтатишнинг амалий йўллари тўғрисидаги мулоҳазаларини тақдим этар экан, таклиф этилаётган тадбирлар қуролланиш пойгасининг тўхтатилиши учун минимал равишда зарур эканлигига асосланади.

Бизнинг қуролсизланиш масалаларидаги позициямиз моҳиятини жамлаб, Л. И. Брежневнинг яқинда Прагада айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтмоқчиман: «СССР қурол-яроғларнинг ҳамма ва ҳар қандай турларини бошқа давлатлар билан келишиб олинган ўзаро асосда чеклаш, тақиқлашга тайёр».

Сўнгра Г. М. Корниенко мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МЕРИДИАНЛАРИДА

БОЛГАРИЯ

● ОЛИМЛАРНИНГ ҲИССАСИ

Бундан 30 йил муқаддам Болгария пойтахтида «Питроект» институти тузилган эди. Эндилиқда у мамлакатда етакчи лойиҳалаш институтларидан бири бўлиб қолди. Болгарияда автомобиль йўлларининг замонавий тармоқларини яратишга институт мутахассислари катта ҳисса қўшдилар. Кейинги ўттиз йил ичида магистрал йўлларнинг узунлиги 14 минг километрдан ҳам зиёд кўпайди. Тунжа ва Янтра дарёлари устида қурилган чиройли кўприклар, Варнадаги ажойиб кўприк лойиҳачиларнинг ифтихори бўлиб қолди. Болгариянинг еттинчи беш йиллик планида энг катта объектлардан бири учта автомобиль йўли — «Тракия», «Хемус» ва «Қора денгиз» трассаларидан иборат Болгария автомобиль йўл халқаснинг лойиҳаси ҳам шу институтда ишлаб чиқилди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

● ШИШАСОЗЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Шиша пуфлаш қадим замонларданоқ эркакларнинг касби деб ҳисобланган, лекин Котбус округидаги Деберн шаҳрида шиша ишлаб чиқарувчи халқ корхонасида кўпгина аёлларга шиша пуфловчи мастер унвони берилди. Шишасозлик саноати соҳасида совет олимлари ва мутахассислари ишлаб чиққан ва шу корхонада жорий этилган шиша буюмлар ишлаб чиқаришнинг янги технологияси бунга ёрдам берди.

Қуйилган шишадан ҳатто энг оддий буюмларни пуфлаш учун анча бақувват ўпкага эга бўлиш кераклиги маълум. Совет инженерлари пуфлайдиган махсус баллонлардан фойдаланишни таклиф қилдилар. Шу баллонлардаги ҳавони муайян миқдорда бериб туриш мумкин. Бу эса илгари фақат эрканлар бажариб келган бир қанча мураккаб ва сермеҳнат ишларни анча енгиллаштиришга имкон берди.

ЮГОСЛАВИЯ

● СЪЕЗДГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Югославия шу йил 20—23 июнда ўтказиладиган Югославия Коммунистлар союзининг XI съездига тайёргарлик кўрмоқда. Мамлакатнинг ишлаб чиқариш коллективларида съезд шарафига меҳнат мусобақаси ҳам олди. Мусобақа яхши натижалар бермоқда.

Бордаги кон-руда комбинатининг металлургги янги рекордга эришдилар, бир кеча-кундузда улар 800 тоннадан кўп мис ишлаб чиқардилар. ЮСФР рангли металлургиясининг тўнгич корхонаси меҳнаткашлари йил охиригача мамлакатга 180 минг тонна мис етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Бу ҳам энг катта муваффақиятдир.

Съезд шарафига меҳнат мусобақаси ташаббускорларидан бири «Костолац» иссиқлик электр станциясининг коллективи план топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилган бу станция шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида ишлаб чиқариш планини 10 процент ошириб бажарди.

МОНГОЛИЯ

● ЯЙЛОВЛАРГА СУВ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Бу йил Монголияда 2,4 миллион гектар яйловга сув чиқарилади. Бу эса ўтган йилдагига қараганда бир неча юз минг гектар кўп. Монголияда мелиорация айниқса шу беш йилликда тез суръатлар билан ривожланмоқда.

МХР Сув хўжалиги министрлигида ТАСС мухбирига ҳабар беришларича, шу беш йилликда 12 миллион гектар майдондаги яйловларга сув чиқариш мўлжалланади. Бунинг учун 7 минг қудуқ қазилади.

Яйловларга сув чиқариш—чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш кенг программасининг бир қисмидир. Қишлоқ хўжалик бирлашмаларида ва давлат хўжаликларида чорва моллари сони йил сайин кўпаймоқда.

(ТАСС).

КОБУЛ

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ЙЎЛИДА

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири саводсизликка қарши курашдир, — деди республика маориф министри Д. Панжшири. — Қишлоқларда ишлашга қилинган даъватга жавобан юзлаб йигит-қизлар мамлакатнинг олис районларига жўнаб кетдилар.

Министр ҳукумат ўтказаётган тадбирларни бутун Афғонистон аҳолиси тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини айтди. Мамлакатда янги мактаблар қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш учун маблағ тўплаш авж олдириб юборилди. 1978—1979 йилларнинг ўзидагина шу маблағларга 62 та янги мактаб қурилади, мавжуд юзтаси кенгайтирилади.

(ТАСС).

ЗАИР

ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЎЗ ҲАРАКАТИНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБОРДИ

АҚШ «орқа томонни мустаҳкамлаш» баҳонаси билан аслида НАТО мамлакатларининг Заирдаги ҳарбий операцияларига бошчилик қилмоқда, бу мамлакатнинг ички ишларига тобора кенг қўламда аралашмоқда. Пентагон вакили Американинг ҳарбий-транспорт самолётларида чет эл қўшинларини Заирга етказиб беришда АҚШ учувчилари ва қуруқлиқдаги хизмат мутахассисларидан 600 дан зиёд киши қатнашаётганлигини тан олди.

Америка қурол-яроғлари билан таъминланган Марокаш солдатлари Заирга келиб турибди. Улар жазо кучлари составига қўшилади. Рейтер агентлигининг хабар беришича, президент Мобуту Заирнинг ҳарбий хизматчиларига ишонмай, ўзининг шахсий қўриқчилари вазифасини ҳам марокашликлар зиммасига юклаган. Марокашликлардан ташқари, Сенегал ва Габон ҳарбий қисмларининг Заирга келиши кутилмоқда. Буларни Заирга олиб бориш учун Американинг ҳарбий-транспорт самолётлари бу ерга келди.

Янги мустамлакачиларнинг планлари Заир билан чекланиб қолмаётганлиги диққатэътиборни ўзига жалб этади. Франция Чаддаги ва Африканинг бошқа бир қанча мамлакатларидаги жанг операцияларига бевосита қатнаша бошлади. НАТОнинг Пекин томонидан тамомила қўллаб-қувватланаётган ёвуз режалари Африкадаги тараққийпарвар жамоатчилиги ҳақли суратда ташвишга солмоқда. Ливия олий халқ комитетининг ташқи ишларга доир масалалар билан шуғулланувчи секретари Али Абдул ат-Трейки бундай деди: Ғарб давлатларининг Африкадаги ҳаракатлари очиқдан-очиқ янги мустамлакачилик, империалистик тус олди ва уларнинг бу ҳаракатлари Африка халқларининг озодлиги ҳамда мустақиллигига қарши қаратилган.

(ТАСС).

ГЕГЕМОНИЗМ ВАСВАСАСИ

Кўп мамлакатларнинг жамоатчилиги Хитой миллатига мансуб бўлган ва Вьетнам Социалистик Республикасида яшаётган шахслар масаласида ХХР раҳбарлари Вьетнамга қарши қилаётган хуружлари ва туҳматдан иборат шовқин-суронларини қатъий қораламоқда.

Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг органи «Унэн» газетаси ҳозирги пайтда ВСРга қарши олиб борилаётган кампанияни Пекин бўлиб давлатчилик гегемонизмининг навбатдаги васвасаси, деб атайди.

Вьетнам Коммунистик партияси ва республика ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсати натижасида ВСРнинг халқаро майдондаги обрўэътибори ўсганлиги, Вьетнамнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари, деб ёзади газета. Хитой раҳбарларининг дидига ёқмаган бўлса керак.

Хитойлик муҳожирлардан сиёсий қурол сифатида фойдаланиш Маонинг энг севган методи эди. Хитой аҳолисининг катта гуруҳлари истиқомат қилаётган кўп мамлакатлар, деб таъкидлайди газета, шу хилдаги кирдикорларни яхши биладилар.

Венгриянинг «Мадьар немзет» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Пекин ВСРга нисбатан ўз хатти-ҳаракатларида ташқи сиёсий маҳфаатларга амал қилмоқда. Пекин ҳозирги кунда Ху Го-фэн ва Дэн Сяо-пиннинг буюк давлатчилик сиёсатига, уларнинг Жануби-Шарқий Осиёни Хитойнинг якка ўзи таъсир ўтказадиган майдонга айлантириш йўлидаги режаларини амалга оширишларига гов бўлиб турган Ханойга қарши чиқмоқда. Улар Хинди-Хитой мамлакатлари америкаликлар устидан галаба козонганидан кейин Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ўзларининг таъсири гирдобига тушиб қолади ва Хитойнинг таъсирини Осиёдаги бошқа районларга ёйишга ёрдам беради, деб умид қилган эдилар. Кампучия Хитой таъсирига берилиб кетди, аммо Вьетнам билан Лаос бундай қилмас эди.

«Мадьар немзет» газетаси АҚШ президентининг ёрдамчиси З. Бжезинскийнинг яқинда Пекинда олиб борган музокаралари АҚШ билан Хитойнинг Осиёдаги позициялари бир-бирига яқин эканлигини кўрсатди, деб эслатиб ўтади.

Болгариянинг «Труд» газетаси ёзади: Пекин раҳбарлари игвогарлик мақсадида Хитой милларатига мансуб шахсларни Вьетнамдан қонунга хилоф равишда кўплаб олиб чиқиб кетишни уюштирдилар. ВСРда яшовчи хитойларнинг «хавфсизлигини таъминлаш» табиий, маочи раҳбарлар учун бўлмагур бир баҳона бўлди. Аммо ХХР Гонконг ва Макаодаги миллионларча хитойларнинг жуда қапшоқ яшаётганлигига, капитал томонидан эзилиб, таҳқир этилаётганлигига неча ўн йиллардан буён тоқат қилиб келмоқда. Пекиннинг Вьетнам жанубида яшовчи хитойлардан жуда оз кисми тўғрисидагина ғамхўрлик қилаётганлиги ҳаммани таажжубда қолдиради.

Индонезияда чиқадиган «Мердека» газетаси ёзади: Хусусан Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатлар тўғрисида гап борган чоғда Пекин раҳбарларининг сўзи билан иш ишлари кўпинча бирбиридан фарқ килади. Хитойнинг экспансияси Осиё давлатлари ҳукуматларини кўп ташвишга солади.

(ТАСС).

КЎЧА ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР БЎЛМАСИН

Партия ва ҳукуматимиз инсоннинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш соҳасида беқиёс ғамхўрлик қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш шароити юксалиб бораётганлигини, янги шифохоналар, дам олиш зоналари барпо этилаётганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг транспорт ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳам ана шу буюк ғамхўрликнинг ажралмас қисмидир.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш — кўплаб кишиларнинг саломатлигини ва ҳатто уларнинг умрини сақлаб қолиш демакдир. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан конкрет ва муҳим чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Ҳар йили баҳор ва кузда ҳаракат ҳавфсизлиги Бутуниттифоқ кўригининг ўтказилиши, «Пиёда», «Тезлик», «Фара», «Йўл» операцияларининг мунтазам ўтказиб турилиши ана шулар жумласидандир.

Транспорт ҳаракати тўғрисидаги мавжуд қоидаларга ва йўл-йўриқларга қатъий риоя қилинса, бахтсиз ҳодисаларнинг юз бермаслиги табиийдир. Афсуски, бу қоидалар тез-тез бузилиб турибди. Трактор прицепларида кишиларни ташиш тақиқлаб қўйилганига қарамай баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу қоидани бузмоқдалар. Натижада трактор прицепларининг ағдарилиши оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар юз берди. Кишилар ҳавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида ўйламаган бундай масъулиятсиз раҳбарлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Шу йил 1 апрелдан 30 апрелга қадар мамлакатимизда Бутуниттифоқ ҳаракат ҳавфсизлиги кўриги бўлиб ўтди. Давлат автоинспекцияси ходимлари, жамоатчи автоинспекторлар, автохўжаликларнинг раҳбарлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, транспорт қатнови ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан жуда катта иш олиб борганликлари туфайли кўрик давомида ҳамма областларда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига эришилди.

Кўрикни ўтказишдан мақсад бундай бахтсиз ҳодисаларни йўқотишдир. Кўрик яна шуни кўрсатдики, ҳайдовчилар ўртасида мунтазам иш олиб борилса, назорат кучайтирилса, кўнгилсиз ҳодисаларни кескин камайтириш мумкин.

Афсуски бошқа вақтларда ҳам худди кўрик давридаги каби йўл-транспорт ҳодисаларининг камайиб боришига эришса олмаяпмиз. Айрим министрликлар ва идораларга қарашли автохўжаликларда ҳайдовчилар айби билан кўнгилсиз ҳодисалар кўпайиб бораётганлиги ташвишли ҳолдир. Масалан, Гўшт-сут саноати, Қишлоқ қурилиши, Савдо министрликлари, «Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли автохўжаликларда худди шундай бўлди. Шахсий автомашина эгаларининг, пиёдаларнинг айби билан юз берган бахтсизликларнинг ҳам кўпайганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Ички ишлар министрлиги автотранспорт қатнови ҳавфсизлигини таъминлаш учун, йўл-транспорт ҳодисаларида кишиларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланишининг олдини олиш учун бутун чораларни кўрмоқда.

Транспорт ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим проблемадир.

Бу проблемани ҳал этиш аввало йўл ҳаракатида иштирок этаётган кишиларнинг ҳулқ-атворига, интизомига боғлиқдир. Афсуски, бу қоидалар тез-тез бузилиб турибди. Трактор прицепларида кишиларни ташиш тақиқлаб қўйилганига қарамай баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу қоидани бузмоқдалар. Натижада трактор прицепларининг ағдарилиши оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар юз берди. Кишилар ҳавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида ўйламаган бундай масъулиятсиз раҳбарлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Транспортни маст ҳолда бошқариш катта бахтсизликларга сабаб бўляпти. Айрим ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги, баъзи автохўжаликларда меҳнат интизомининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, контролнинг сустлиги кишилар ҳаётига зомин бўлиш билан тугамоқда. Утган йили маст ҳайдовчиларнинг айби билан 1475 йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Бунинг оқибатида ўнлаб кишилар ҳалок бўлди, юзлаб кишилар жароҳат олди. Бундай мусибатларга чидаб туриш мумкинми, ахир! Шунинг учун ҳам мастликда авария қилган ҳайдовчигина эмас, транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётган ҳар бир ҳайдовчи потенциал жиноятчидир.

Айниқса Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд областлари ва Тошкент шаҳрида маст ҳайдовчилар айби билан содир бўлган бахтсизликлар сони кўпайди. Ана шу областларнинг ички ишлар бошқармалари, давлат автоинспекция органлари ҳайдовчилар ўртасида ички иқлимкбозликни тугатишга жиддий эътибор беришлари керак.

1977 йилда халқ хўжалиги транспортида йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайганига қарамай, шахсий транспорт эгалари айби билан юз берган ҳодисаларнинг кўпайиб бораётганлиги ташвишланарлидир Утган йили уларнинг айби билан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари сони аввалги йилга нисбатан 6,2 процент кўпайди. Шахсий машина эгаларининг айби билан бир йил давомида жами 3919 йўл-транспорт ҳодисаси юз берган бўлса, шундан 1080 таси ҳайдовчиларнинг мастлиги оқибатида содир бўлган. Уларнинг орасида автомотоҳаваскорлар жамияти аъзоларининг ҳам борлигини айтиб ўтмоқчимиз. Автомотоҳаваскорлар жамияти ўз аъзоларини юксак интизом ва масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаш каби бурчларини яхши оқламаётирлар. Буни шу факт билан исботлаш мумкинки, ички ишлар органлари ходимлари йил давомида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини аниқлаган бўлсалар, шундан катта қисми автомотоҳаваскорлар жамияти аъзолари айби биландир. Шу жамият аъзоларидан бирнеча киши маст ҳолда машина бошқариб бораётганда қўлга тушган.

Шуни ҳам айтиш керакки, республикамиздаги деярли ҳамма йирик автохўжаликларда ҳаракат ҳавфсизлиги бўйича инженер лавозими жорий қилинган. Улар махсус енгил автомашиналар билан таъминланганлар. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, министрликлар ва идоралар ҳавфсизлик инженерлари ҳамда махсус транспорт кучидан самарали фойдаланмаётирлар. Ҳаракат ҳавфсизлиги хизмати автомашиналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари юз бермоқда. Бундай ҳолларга чек қўйиш пайти келди.

Халқ депутатлари область Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги ҳаракат ҳавфсизлиги комиссиялари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак. Улар йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф қилиш юзасидан етарли иш олиб бормаётирлар. Автомобиль хўжаликларида тузилган жамоатчилик комиссиялари фаолиятини кучайтириш, уларнинг кучидан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Шаҳар кўчаларида, йўлларда юз берган ҳар бир ҳодисани фавқулодда воқеа деб баҳолаш, айбдорларни тегишли жазолаш ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлмоғи керак.

Йўл-транспорт ҳодисалари халқ хўжалигига ҳам катта зарар етказмоқда. Авариялар оқибатида транспорт қатнови графиги бузилмоқда. Пачоқланган машиналарни ремонт қилиш учун давлатнинг кўплаб маблағлари сарфланмоқда. Биргина мисол. 1977 йилда республика Автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхоналарнинг ўзидагина йўл-транспорт ҳодисасида зарарланган машиналарни ремонт қилишга 56 минг сўмга якин давлат маблағи сарфланди. Автобусларнинг ўзигина авария оқибатида 3196 кун бекор туриб қолди.

Министрликлар ва идоралар автотранспорт ҳодисаси оқибатида келтирилган зарарни бевосита айбдорлардан ундириб олиш чораларини кўришлари керак. Ана шундагина йўл ҳаракати қоидаларини назар-писанд қилмайдиган шахслар масъулиятни сезадиган бўладилар.

Биз ҳамма ҳайдовчилар ҳам транспорт воситаларини бошқариш вақтида бепарволик қиладилар, қоидани бузадилар демоқчи эмасмиз. Республикамизда авариясиз меҳнат қилаётган автохўжаликлар кўп. Ана шундай илғор корхоналар тажрибасини бутун чоралар билан оммалаштириш керак. Автохўжаликлар ўртасида социалистик мусобақа якунларини чиқаришда йўл-транспорт ҳодисасига йўл қўйилмаганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Айрим йўллар ва кўчаларнинг носозлиги, вақтида ремонт қилинмаганлиги ҳам кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Республика бўйича юз берган йўл-транспорт ҳодисаларининг 4 процентдан кўпроғи йўл қурилиши ташкилотлари айби билан юз берган деб айтиш мумкин.

Автомобиль транспорти халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Унинг бенуқсон, авариясиз ишлаши эса аввало ҳайдовчилар интизомига, масъулиятига боғлиқ. Бинобарин транспорт корхоналари партия ташкилотлари ҳайдовчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, авариясиз ишлаш учун мусобақада коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш чораларини кўришлари керак. Автомобиль транспорти ишида самарадорлик ва сифат кўп жиҳатдан ана шу тарбиявий ишларга боғлиқдир.

Ҳ. ЯҲЁЕВ,
Узбекистон ССР ички ишлар министри, Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳаракат ҳавфсизлиги бўйича республика комиссиясининг раиси.

Андижон районидаги Охунбобоев номли совхозда гилос ғарқ пишди. Миришкорлар ёз неъматини пешма-пеш териб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилмоқдалар. Суратда: Фотима Одинова, Мамлакат Сидиқова, Оминой Солиева терган гилосларни бригада бошлиғи Абдусаттор Маткаримов ва боғбон Мамажон Дадабоевлар кўздан кечиришяпти.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

НОЗ-НЕЪМАТЛАР — ДЎСТЛАРИМИЗГА

Калинин райони колхоз ва совхозлари далаларида эртаги сабзавот ғарқ пишди. Унинг ҳосилини йиғиб-териб олиш ва Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб бериш жиғин давом эттирилмоқда. Район сабзавотчилик корхоналарининг ҳар куни минглаб тонна хилма-хил нозне ъматлар жўнатишяпти. Айни вақтда район матлубот жамиятининг тайёрлов идоралари орқали Москва, Ленинград шаҳарлари, Уралдаги саноат марказлари, Сибирь ва Узоқ Шарқда, Монголия Халқ Республикасига бир кунда минг тонна атрофида сабзавот маҳсулотлари юбориляпти.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Москва ва Ленинградга 2500 тонна, Уралга 1500 тонна, Сибирь ва Узоқ Шарққа 2800 тонна, Монголия Халқ Республикасига 500 тонна карам, бодринг, саримсоқ пиёз ва редиска юборилди.

Тайёрлов идораси коллективи район хўжаликларида сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилганини ҳисобга олиб, бу йил пландаги 22260 тонна ўрнига 32 минг тонна маҳсулот тайёрлаш ва уни Россия Федерацияси ҳамда Монголия Халқ Республикасига жўнатишни мўлжалламоқда.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОҒЛАРДА СУРИЛИШ

Инсоният табиий офатларга қарши азалдан курашиб келади. Кутилмаган тасодифларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун куч сарфлайди. Она еримиз табиатида юз берувчи турли ўзгаришлар сирасига тоғларда сурилиш ҳам қиради. Ўрта Осиё шароитида бундай сурилишлар кучли зилзила, довулдўл ва сел туфайли юз беради.

Бу йилги баҳор анча чўзилиб кетди. Ҳа демай, саратон ойлари бошланишига қарамай бот-бот ёғингарчилик бўлиб турибди. Тоғлик районларда эса, бундай ёғингарчиликлар селга ҳам айланяпти. Оқибатда тоғлар бағрида кутилмаган сурилишлар, ўпирилишлар бўляпти.

Умуман, табиий офатлар орасида сурилма алоҳида ўрганиладиган ҳодиса. Табиатнинг ўзига хос бундай ҳодисаси кишилар учун асрлар мобайнида сир бўлиб келди. Энди ликда бу каби тасодифларни ўрганувчи илмий ташкилотлар мавжуд. Жумладан, Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги институти, Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти, Узбекистон Геология министрлигига қарашли «Узбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг институт ва бўлимларида мутахассислар иш олиб бормоқдалар.

Сурилмаларнинг вужудга келишида ернинг геологик, географик, гидрогеологик ўрни, қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси, тебраниш ҳаракатлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бевосита таъсир кўрсатади. Ходисаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида орографик омилларнинг роли сезиларлидир. Ўрта Осиёда меридиан жойлашган тоғ адирларининг шимоли-шарқ ёнбағри жануби-шарқ тарафига қараганда кўпроқ ёғин-сочин бўлиши билан характерлидир.

Ўрта Осиё илмий текшириш институтларининг маълумотларига кўра 1961—1972 йиллар орасида 8 минг сурилма қайд қилинган. Шундан Узбекистоннинг тоғлик районларида салкам 3 мингтаси юз берган. Бу сурилмаларнинг аксарияти 1969 йилнинг баҳор ойларига тўғри келади. Агар тоғ олди районларининг қиялиги 20—30 градус бўлса, бундай ерларда турли сабабларга кўра сурилмалар бўлиб туради.

Сурилмаларнинг бўлишида тектоник ва зилзила ҳаракатларининг таъсири сезиларлидир. Бу борада Қурама, Чоткол тоғли ўлкасининг тектоник тузилишини ўрганиш шуни кўрсатадики, энг катта сурилмалар тектоник сиқиқлар деб аталувчи майдонларда юз беради. Сурилмаларнинг юз беришида ўсимликлар дунёсининг қандай даҳли бор, деган савол туғилади. Ўсимликларгина эмас, балки сунъий портлатишлар, ноқулай ерлардан автомобиль йўлларининг ўтиши, зовур ёки каналлар казилиши, қияликларга экин экилиши ҳам сурилмаларнинг қутилмаганда юз беришига сабаб бўлади.

Бу йил ҳам Узбекистоннинг тоғлик районларида бир қанча сурилмаларнинг юз берганлиги кузатилди. Лекин бундай сурилмалар на хўжаликка ва аҳоли яшайдиган жойларга зиён етказмади. Чунки, олимларимиз тоғларда сурилиш ва ўпирилиш ходисаларини олдиндан мукаммал ўрганмоқдалар. Бу билан довул, ёмғир туфайли юз берувчи сурилмалар халқ хўжалигига зиён етказишининг олди олинмоқда.

М. ҲОШИМОВ,
геология-минералогия фанлари кандидати.

СУД ЗАЛИДАН

«АТТАНГ» ДЕБ ҚОЛИШДИ

Чимкент шаҳар мебель фабрикасининг дурадгори Александр Сбоев қайнотаси — пардачилик фабрикасининг ишчиси Францишек Горчак билан Тошкентга серкатнов бўлиб қолишди. Қайнота ва куёв мўмай пул кетидан қувиб ҳар якшанба Тошкент бозорида пайдо бўлишар, автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини ортиқча нарх билан пуллашарди. Автомашинанинг 1 сўм 60 тийин турадиган детали камида 10 сўм, 5 сўмлик деталь эса автомагазинларда тортилиб қолганда 90 сўмгача фойда келтирарди.

Чайқовчилар савдони қизитган пайтда 642 сўмлик эҳтиёт қисмлар ва 757 сўм пул билан қўлга тушди.

Чилонзор район халқ суди чимкентлик чайқовчилар ишидан сўнг Тошкентдаги 17-магазин катта сотувчиси Илдус Хазигалиев билан шу магазин қоровули Жаббор Топилов ишини ҳам кўриб чиқди. Магазин ёпилишидан олдин сотувчи Хазигалиев қоровулга ҳар шишаси 1 сўм 22 тийин турадиган «Портвейн» виносини 1 сўм 30 тийиндан ўтказиб кетар, қоровул эса тунда 2 сўмдан пуллар экан. Сотувчи «тунги савдо» учун қоровулга 75 шиша вино қолдириб кетаётганда қўлга тушди.

Район халқ суди текинхўрлик билан пул топиш йўлига тушиб олган бу шахсларни қилмишига яраша турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Э. ҚОЛТАНБОЕВ,
милиция капитани.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Пиковая дама** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Ганг дарёсининг қизи.**

Кино

Севги туфайли — Ғ. ҒУЛОМ номли (14, 17, 20.00).

Ғайдуқлар шарафи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Олтин намар — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

●

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

13/VI да — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.
14/VI да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
15/VI да — ДИЛОРОМ.
16/VI да — АИДА.
17/VI да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
18/VI да — МАСХАРАБОЗЛАР.
20/VI да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ (билетлар сотилган).
21/VI да — ПИКОВАЯ ДАМА.
22/VI да — ЧИО-ЧИО-САН.
23/VI да — КАРМЕН.
24/VI да — МАНСАРАНИНГ ИШИ.
25/VI да — ТРАВИАТА.
27/VI да — КАРМЕН.
29/VI да — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
30/VI да — КОНЦЕРТ (билетлар сотилган).

Олдиндан билет сотиш кассаси соат 11.00 дан 20.00 гача ишлайди. Телефон: 33-90-81.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

(2 бўлимдан иборат катта программа)

Бутуниттифоқ янги цирк асарлари кўригининг дипломанти Владимир МИНКИН раҳбарлигидаги янги аттракцион

«ЭКВИЛИБРИСТЛАР»

ПРОГРАММАДА: халқаро классдаги СССР спорт мастери Владимир СОШИН иштирокида

«МУЗ УСТИДА ХОККЕЙЧИ АЙИҚЛАР»

ва

«ВЕСЕЛЫЙ ПЯТАЧОК» МАСХАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари 12.00, 16.00, 19.30 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 44-35-84, 44-35-91 телефонлари орқали ҳам заявкалар қабул қилинади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ҒАЧА ИШЛАЙДИ.

М. И. КАЛИНИН НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: психиатрия, химия (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцентлар);

урология кўрси мудири (медицина фанлари кандидати, доцент);

кафедра доцентлари: КПСС тарихи, госпитал терапия (фан кандидати);

кафедра катта ўқитувчилари: КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод;

кафедра ассистентлари: гигиена, болалар касалликлари, химия.

КОНКУРС МУДДАТИ — 3 ИЮЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 710000, Андижон шаҳри, Навоий проспекти, 136-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: ботаника ихтисоси бўйича ўсимликлар систематикаси, анатомия, морфология ва цитоэмбриология, хом ашёли ўсимликларни излаш ўсимликлар экологияси;

катта илмий ходим: ботаника (Нурота Чала сахро станцияси бўйича, фан кандидати).

КОНКУРС МУДДАТИ — 3 ИЮЛГАЧА.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700125 Тошкент шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй.

СПОРТ

ШАШКА:

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШ

Тошкентда рус шашкаси бўйича Узбекистон XXXVIII чемпионати старт олди. Республика чемпиони номини олиш учун кучли шашкачилар ўзаро дона сурмоқдалар. Улар орасида Узбекистоннинг бир неча бор чемпионлари, спорт мастерлари ва мастерликка номзодлар ҳамда умидли шашкачилар бор. Дастлабки учрашувлар ва биринчи натижалар ҳам маълум бўлди.

Чемпионатнинг биринчи тур баҳсларида Фридман билан Носиров ўзаро очколарни бўлишишди. 14 ёшли чирчиқлик спорт мастерлигига номзод Носиров тажрибали шашкачи билан баробар куч синашди. Унинг ҳамшаҳри Ахметов эса Файляевдан устун келди. Ёқубов ва Тинчликов ўртасидаги баҳс ҳам мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Бу ўйинда Ёқубовнинг қўли баланд бўлди. Тоштемиров бу сафар учрашувларни яхши бошлади. У Фозилов билан ўтказган биринчи ўйинда ғолиблик қилиб, қиммати очкони қўлга киритди. Кочергин Пирназаровни мағлубиятга учратди.

Иккинчи тур ўйинларида Ёқубов Тоштемировдан устун келиб, яна муваффақият қозонди. Учинчи тур ўйинлари Фридман ва Шарипов учрашувидан бошланди. Бунда Фридман маҳорат кўрсатди. Тинчликов—Ахметов учрашувида очколар бўлишилди. Ёқубов эса, бу сафар Пирназаров устидан ғалаба қозонди. Шундай қилиб ҳозирча уч тур ўйинларидан кейин Ёқубов ягона пешқадам бўлиб турибди. Кочергин ҳисобида 2,5, Тоштемировда 2 очко бор.

Б. КАНИШЧИКЕР,
мусобақа бош судьяси.

УЧРАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

ФУТБОЛ. Мамлакат кубоги учун курашнинг дастлабки ярим финал ўйини «Локомотив» — «Динамо» (Тб) командалари ўртасида давом этди. Бу учрашувда темир йўлчилар бир тўп киритиб билан ғалаба қозонишди. Қолган уч учрашув кеча ўтказилди.

ЧАВАНДОЗЛИК. Москвада СССР чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Чемпионатда иштирок этган республикамиз вакили, спартакчи Юрий Ковшов «Катта совриН» учун курашда дуруст натижага эришди. Энди у СССР терма командаси аъзоси сифатида ўйрик мусобақаларга ҳозирлик кўради.

Бугунги студент — эртанги мутахассис

ЭЛ АРДОҒИДА

Бугун В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг маданият саройида олий ўқув юртлари студентлари ва ўрта махсус билим юртлари талабаларининг моддий, маиший ва уй-жой шароитларини янада яхшилаш масалаларига бағишланган республика семинари иш бошлайди. Шу муносабат билан мухбиримиз семинар ташкилий комитети раиси, республика олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари М. СУЛТОНОВ билан учрашиб, бу анжуманнинг мақсад ва вазифалари ҳақида суҳбатлашди.

— Партия ва ҳукуматимиз ёш авлод — коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама баркамол бунёдкорини тарбиялаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Республикамиздаги институт ва техникумларда таълим олаётган ёшлар ана шундай ғамхўрлиндан яхши баҳраманд. Кейинги икки йил ичида Тошкентдаги политехника институти конгеология факультетининг, тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ўқув корпуслари, Фарғона политехника институти, Нукус ва Самарқанд Давлат университетлари, иқтисодий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти, халқ хўжалиги институтида ўқув корпуслари, ётоқхоналар ва спорт заллари ишга туширилди. 1975-1977 йиллар мобайнида қарийб 36,5 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилди.

Студент ва техникум талабаларининг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилашда меҳнатни муҳофаза этиш ва санитария-соғломлаштириш тадбирлари бўйича ўнинчи беш йилликка мўлжалланган комплекс план катта аҳамиятга эга. Тошкент Давлат университети ва политехника институтида шу планга мувофиқ студентларнинг иккита профилакторийси қуриб битказилди. Хозирги кунда Фарғона политехника институти профилакторийсини бунёд этиш ишлари қизитиб юборилди.

Кейинги йилларда студент ва техникум талабаларига аталган шинам ва қулай ётоқхоналар тобора кўпайиб бораётир. Хозирги кунда республикамиз олий ўқув юртлари ва техникумларида таҳсил кўраётган йигит-қизлар ихтиёридаги ётоқхоналарнинг умумий майдони 219,5 минг квадрат метрни ташкил этади. Кўпгина ётоқхоналарда қизил бурчаклар, дам олиш хоналари, махсус ошхона ва буфетлар мавжуд. 38 ётоқхонада маиший хизмат кўрсатиш устахоналари очилган. Тошкентдаги Студентлар шаҳарчасида маиший хизмат кўрсатиш уйи, прокат пункти, ҳаммом ва кирхона, почта бўлими ва шаҳарлараро телефон пункти ишлаб турибди. Ётоқхоналарда қолвий-сиёсий ва маданий-оқартув ишлари планли асосда олиб борилмоқда.

Студент ва талабаларни сифатли овкат билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда министрлигимиз қарамоғидаги олий ўқув юртлари ва техникумларнинг умумий овқатланиш корхоналарида ўринлар сони қарийб 12 мингга етди.

Студент ва техникум талабаларига медицина хизмати кўрсатиш тобора яхшиланиб бораётганини қайд этиш керак. Қарийб барча олий ўқув юртлари ва техникумларда медицина пунктлари очилган: кўпчилигида тиш даволаш кабинетлари ишлаб турибди.

Республика олий ўқув юртлари ва техникумларининг ўқитувчилари, студентлар ётоқхоналари ва ошхоналарининг мутасаддилари. ёш авлод тарбияси билан машғул кишиларнинг республика анжуманида ана шу ютуқлар таъкидланиши билан бирга ўқув юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш маиший хизмат кўрсатиш савиясини ва уй-жой шароитини янада яхшилаш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб олинади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Касб танлаш ҳақида суҳбат». 10.25 — «Истеъдод» (бадиий фильм, 2-серия). 11.35 — Концерт. 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — «Жонажон табиат». 16.30 — «Ихтирочи». 17.00 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 17.30 — «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Расмларда қўёш акси бор. 19.00 — Концерт. 19.25 — «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари» (кўрсатувда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади). 19.55 — «Хаммамиз аҳил оиламиз». 20.20 — «Истеъдод» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Тўрт эгизак» (спектакль). 12.30 — «Шчорс» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Ешлик» 18.45 — «Фан ва техника — автомобиль транспорти хизматида». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — Москва. «Қизилқумни комплекс ўзлаштириш суръатлари». (кўрсатувда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов иштирок этади). 19.55 — А. С. Пушкин. «Боғчасарой фонтани». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 23.00 — Студентлар ҳисобот концерти.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 9.30 — Концерт. 10.30 — «Сахий ер». 11.15 — «Депутат ва ҳаёт». 11.30 — Ўзбек давлат филармониясининг солистлари ижро этади. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Бугун А. Чудная мактабида. 13.30 — Кинофильмлардан қўйлар. 14.00 — Мўл ҳосил усталари ҳузурида. 16.10 — Концерт. 18.30 — «Бизнинг меҳрибон шифокоримиз». 18.40 — «Ешлик». 19.40 — «Социализм мамлакатларида». 19.50 — Қ. Искандаров қўйлайди. 20.25 — Татар қўйлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 — А. Эшонов, А. Носиров. «Ака ука Шириновлар» (радиоҳикоя). 22.20 — Най наволари. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-83, 32-53-16, 32-53-20, 32-58-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 3-19-72; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 61-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66; ҚҚАССР — 2-42-62. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02491. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 130.